23 ОКТ 1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 242 (6. 433) ◉ 1987 йил 26 октябрь, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин

1917 1987

Чеварлар ғайрати

Кимёхон Тўхтаеванинг номи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 7-цехида барчага таниш. Моҳир чевар бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси қизлари байрамолди меҳнат вахтасида ташаббускорлик билан ном чиқаришяпти.

Чеварлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини икки йиллик топшириқни бажариш ташаббуси билан чиқдилар.

Бригада эришаётган катта зафарларга, айниқса бир беш йилликда икки беш йиллик планнинг бажаришга аҳд қилган Л. Халилова, М. Шарипова, М. Ботирова, О. Ашурова, Е. Исҳоқовалар баракали ҳисса қўшмоқдалар.

Шу кунларда 1988-1989 йиллар ҳисобига маҳсулот тайёрлаётган бу чеварлар маҳсулотнинг фақат аъло сифатли бўлиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

Цехда бундай илғорлар кўп. Шунинг учун ҳам бу ерда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 10 ойлик плани 109 процент адо этилди.

Қўли гул усталар

«Главташкентстрой»га қарашли 12-трест «Тошкент» механизациялашган кўчма колоннасининг Давлат Аҳмедов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси зарбдорчасига ишламоқда.

Қурувчилар янги корхона қурилишида дастлабки кунларданоқ ишни тез суръат билан бошлаб юбордилар. Бригадада барча юқори разрядли усталар бўлиб, ҳар бири турдош касбларни эгаллаган. Тажрибали бригадирнинг ўзи ишда намуна бўлмоқда.

Қолган ишчилар унга тенглашишга ҳаракат қиладилар. Катта ва кичик механизация воситаларидан самарали фойдаланиш, тармоқ графигига қатъий риоя қилиш ишни муваффақиятли олиб боришга ёрдам бермоқда.

Бугун Д. Аҳмедов бошлиқ бригада ўзининг ўн ойлик топшириғини муддатидан илгари бажарди.

Қурувчилар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига планга қўшимча 16 минг сўмлик иш бажариш мажбуриятини олдилар.

Ҳозирги кунда бу илғор коллектив Тошкент чинни заводининг асосий ишлаб чиқариш корпусида меҳнат қилмоқда.

Д. ОБЛАЕВ.

Оқилона иш юритиб

Тошкент тепловоз депоси коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейи шарафига соцнавистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарган ҳолда самарали меҳнат қилмоқда.

Коллектив тежамкорлик борасида сезиларли ютуқларни қўлга киритяпти. Кўпгина тепловозчилар бугунги кунда тежалган ёқилғи ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Г. Серебренников, Ф. Ханаков, А. Кушоев, У. Қодиров кабн машинистлар шулар жумласидандир. Бу илғорлар ҳаракат мунтазамлигини таъминлаб, халқ хўжалиги юкларини ўз вақтида манзилларига етказиб бермоқдалар. Моҳир машинистлар ўтган тўққиз ой мобайнида 4300 тоннадан зиёд ёқилғини тежаб қолишга эришдилар. В. Горбачев, М. Бахромов, Э. Нурматов, Ғ. Тожибоевлар бир ой давомида 300—400 килограммдан ёқилғини тежашга эришмоқдалар.

Иш кўзини билган тежамкор машинистларнинг кўпчилиги шу кунларда келгуси йилнинг биринчи кварталн ҳисобига меҳнат қилишяпти.

У. МУҲАМЕДОВ.



«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 24 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун мавсум бошидан буён.

Хоразм	1,00	74,03
Бухоро	1,50	71,25
Сурхондарё	1,84	70,11
Тошкент	1,57	67,07
ҚҚАССР	1,20	61,55
Жиззах	2,70	60,49
Сирдарё	2,13	60,07
Фарғона	1,89	59,86
Наманган	2,30	51,85
Қашқадарё	1,44	49,53
Андижон	1,97	47,07
Навоий	1,11	43,79
Самарқанд	1,41	42,31
Республика бўйича:	1,72	58,53

БИЗ ҲАММАМИЗ— ПАХТАКОРМИЗ

Ғайрат кўрсатиб

Айни кунларда бутун республикамиз меҳнат аҳлининг фикри-зикри «оқ олтин» даласига, бободеҳқонларнинг билак кучи билан бунёд этилган мўл-кўл пахта ҳосилининг бир толасини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олишга қаратилган.

Халқлар Дўстлиги орденли Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти коллективи Сирдарё область Оқ олтин районидаги «Фарғона», Абдалин номидаги, «Чинобод», «Партия XXIII съезди» совхозларида фидокорлик кўрсатмоқда.

Институтимиз коллективи социалистик мусобақада Сирдарё области пахта далаларида меҳнат қилаётган олий ўқув юртлари ўртасида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Бу ютуққа эришиш учун биз факультетлараро, курслараро, группа ва ўзаро социалистик мусобақани яхши йўлга қўйганмиз. Мусобақага ҳар беш кунда якун чиқарилади.

Факультетлараро беллашувларда математика, тарих, ўзбек ва қозоқ филологияси, табиият — география, физика факультетлари пешқадамлик қилмоқда.

«Оқ олтин» йиғим-теримида З. Бозорова, С. Саидов, Е. Ким, З. Арабова, К. Асқарова, О. Ежкова, Х. Фармонова, О. Саидқулова, З. Алиқулова, М. Бойметова, М. Ким, П. Худойбердиева, М. Норова, Ш. Жумаев сингари юзлаб ҳашарчи-теримчиларимиз ғайрат ва ҳиммат кўрсатмоқда.

Студент-ҳашарчиларнинг унумли меҳнат қилиб, мароқли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Барча баракларда радио, телевизор ишлаб турибди, улар газета ва журналлар билан таъмин этилган. «Марҳабо, талантлар!», «Ўткир зеҳнлилар» беллашувлари йўлга қўйилган. Кўп тиражли деворий газеталар, «Жанговар варақа», «Чақмоқ» ва сатирик газеталар мунтазам чиқарилиб турибди. Тез-тез институт профессор-ўқитувчилари студент-ҳашарчилар ҳузурида бўлиб, лекция ва суҳбат, савол-жавоб кечалари ўтказишяпти.

Терим суръати кундан-кунга авж олиб бормоқда. Ҳиммати баланд коллективимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллигини онаВатан хирмонига янада кўпроқ «оқ олтин» тўплаш билан қарши олишга азму қарор қилган.


Т. ҚУРБОНОВ,
Халқлар дўстлиги орденли Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти партия комитети секретарининг ўринбосари, доцент.

ПАХТАКОРЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Ўрта Осиё темир йўли поликлиникасининг сайёр медицина бригадалари шу кунларда Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти факультетларининг студентлари пахта тераётган жойларда ишламоқдалар. Медицина бригадаси составида турли ихтисосдаги врачлар бор. Медиклар студентлар ва ўқитувчиларни профилактик кўрикдан ўтказмоқдалар, ҳар хил касалликларнинг олдини олиш тўғрисида лекциялар ўқимоқдалар. Масалан, поликлиниканинг энг яхши мутахассисларидан — магистралнинг бош санитария врачи М. Грабарник, бош терапевт Е. Димерец, медицина фанлари кандидати С. И. Иброҳимовлар Жиззах областига жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

Замондошимиз



БРИГАДА БОШЛИҒИ

Александр Серебрянников узоқ йиллардан бери «Главташкентстрой»нинг 11-трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасида оддий қурувчи бўлиб ишлаб келади. Ўтган йили бошқарма бунёдкорлари катта ишонч билдириб уни комплекс бригадага бошлиқ қилиб тайинлашди. Бригада ишни дастлаб коллектив ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва қурилиш сифатини яхшилашдан бошлади.

— Интизом ва сифат муваффақиятларимизнинг гарови бўлиб қолганн бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас, — дейди бригадир. — Шунинг учун биз асосий эътиборни шу икки нарсага қаратмоқдамиз. Зеро, интизомсиз унум бўлмаганидек, сифатсиз қурилишни тасаввур қилиб бўлмайди. Ахир йиллар бўйи навбат кута-кута ниҳоят орзусига етишган оилалар катта умид билан янги квартираларга кўчиб киришади. Шундай экан, уларга сифатсиз уйларнинг калитини топшириш инсофдан бўлмайди.

Узининг узоқ йиллик иш фаолиятида бу моҳир қурувчи турли уй-жой, маданий-маиший бинолар қурилишида қатнашди. Ҳозир унинг бригадаси Навоий кўчасида Максим Горький номидаги рус драма театри биносн қурилишида самарали меҳнат қилмоқда. Бригадирнинг ўзи ҳар бир ишда коллективга ибрат кўрсатмоқда. Кунлик топшириқларини бир ярим икки ҳиссага етказиб адо этмоқда. Бригада ҳар сменада 1800 сўмлик ва ундан ошириб қурилиш-монтаж ишларини бажармоқда. Қурувчиларнинг турдош касбларни ўзлаштириб олганн эса иш вақтидан унумли фойдаланишда қўл келмоқда.

— Ўтган квартал топшириқларини ортиғи билан адо этган коллективимиз юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда, — дейди бригадир ўз сўзини давом эттириб. — Олдимизда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишдек муҳим вазифа турибди. Қурувчиларимиз бу қутлуғ сана нишонланадиган кунгача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йиллик план-топшириқларини бажариш билан кутиб олишмоқчи. Ваъдага вафо қилиш учун ўзаро социалистик мусобақани кун сайин авж олдириб меҳнат қилямиз.

СУРАТДА: бригадир А. Серебрянников.

В. Лешченко фотоси, (ЎзТАГ).

Ягона қардошлик оиласида


КУЙЛАЙМАН ШАЪНИНГНИ ЭЙ, ОНА-ВАТАН, КУЙЛАЙМАН СЕНИ МЕН ҲУР РЕСПУБЛИКАМ!

Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси

Россия Федерацнси деганда бизнинг кўз олдимизда бепоён ўрмонлар, ястаниб ётган зангор кенгликлару, оппоқ қайнизорлар намоён бўлади. Есенин куйлаб ўтган, Маяковский шарафлаган, яна юзлаб, минглаб олийқалб инсонлар таърифу тавсифини келтирган бу ўлка табиати жиҳатидан ҳақиқатдан ҳам беқиёс, кенгликлари жиҳатидан тасаввурга сиғмайди. Пролетариатнинг буюк йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин раҳбарлигида амалга оширилган Улуғ Октябрь социалистик революцияси бу ўлканинг афгор халқ оммаси билан бир қаторда бошқа ўлкалардаги миллионлаб жафокаш ин сонларни ҳам озодлик нуридан баҳраманд этди. Ўтган етмиш йиллик муддат ана шу улуғ инқилоб ва буюк Ленин ғояларининг амалий ифодасини бутун инсониятга намоён қилди. Ҳамма тенг ҳуқуқли, ҳамма бирбирига жондош, қондош.

Республика, шунингдек, мамлакатимизнинг пойтахти Москва шаҳри кундан-кун чирой очмоқда, кўркамлашмоқда. Бу еда турли миллат, элат вакиллари истиқомат қиладн, ишлайди, таълим олади. Ягона қардошликнинг тимсолидир бу ҳам. Зеро, бизнинг буюк ғалабаларимиздир бу ҳам.

◆(РСФСРга, Ватанимиз пойтахти жонажон Москва шаҳрига бағишланган, бошқа материалларни газетамизнинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз).



Москва. Қизил майдон.

ТАСС фотохроникаси.



«Тинчлик тўлқини» Тошкентда

24 октябрь куни роппароса пешин чоғида маҳаллий вақт билан Херосимадаги қўнғироқлар зарби урушга қарши халқаро «Тинчлик тўлқини» тадбири бошланганлигидан хабар берди. Соат минтақалари бизларни ажратиб турадиган «тўлқинлар» Ўзбекистон пойтахтигача етиб келди. Унда минг-минглаб тошкентликлар иштирок этдилар. Корхоналар, турар жой кварталлари, мактаблар, оталиқдаги пахта майдонларида ишчилар ва инженерлар, олимлар ва студентлар, пенсионерлар ва мактаб ўқувчилари митинглар ўтказдилар, тинчлик тарафдорлари билан учрашувлар ташкил этдилар, юришлар қилдилар.

Тошкент вақти билан соат 12 да тепловоз гудоги Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи меҳнаткашларини урушга қарши митингга тўпладн. У В. И. Ленин ҳайкалига гуллар қўйиш ва Улуғ Ватан уруши йиллари фронтларда ҳалок бўлган завод ишчиларининг хотираси шарафига бунёд этилган Мангу оловга гулчамбарлар қўйиш билан бошланди.

Завод партия комитетининг секретари А. В. Барсуков, ғилдирак цехи слесарлар бригадасининг бошлиғи, жангчи - интернационалист В. Г. Новичков, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг ўқитувчиси Т. Е. Ирисбоева, ветеран, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Қодиров, уруш ва меҳнат ветерани А. И. Зотовлар микрофон ёнига бирин-кетин келадилар. Улар тинчлик ва Улуғ Октябрь тўғрисидаги дил сўзларини изҳор этадилар. Ана шу икки сўзнинг мазмун-моҳияти ҳар бир совет кишиси учун ғоят қадрли ва тушунарлидир. Чунки Совет ҳокимиятининг дастлабки қонунларидан бири тинчлик тўғрисидаги Декретдир. Улуғ Октябрь революциясининг етмиш йиллиги бўсағасида партия ва ҳукуматимиз халқаро майдонда тинчлик ва дўстлик снёсатини активлик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда.

Тепловоз ремонти заводи меҳнаткашлари якдиллик билан «Тинчлик мактуби»ни маъқулладилар. Ана шу мактуб шу куниёқ тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети делегацияси томонидан Ҳиндистон пойтахти — Деҳлидаги урушга қарши кўп кишилик митингда топширилди.

«Тинчлик тўлқини» халқаро тадбирига бағишланган митинг рамзий бомбани қуйдириб ташлаш ва тинчлик учун америкалик курашчи Уилсон Брайнни қўллаб-қувватлаш мақсадидаги имзоларни тўплаш билан якунланди.

СУРАТДА: Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводида урушга қарши ўтказилган шаҳар митингида.

В. Лешченко ва В. Миленький фотоси.

(ЎзТАГ).

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

Собир Раҳимов, Ҳамза ва Ленин район партия комитетларининг пленумлари бўлиб ўтди.

Собир Раҳимов район партия комитетининг пленумида район партия комитетининг иккинчи секретари А. Ф. Крисин «КПСС XXVII съезди талаблари асосида капитал маблағлар самарадорлигини ошириш ва меҳнатнинг илғор форма ва методларини кенг жорий этиш, моддий, техника ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосида қурилиш ишлаб чиқариши ташкилотларининг ишларини ташкил этишни яхшилаш юзасидан район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Ҳамза район партия комитетининг пленумида район партия комитетининг аъзоси, 1-уйсозлик комбинати қурилиш комитети раиси И. Х. Орипов ва КПСС аъзоси, «Узбитхим» ишлаб чиқариш бирлашмасининг синтетик ювиш воситалари заводи бош директори Г. И. Малишевнинг қайта қуриш бўйича олиб бораётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Пленумда Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажмитдинов сўзга чиқди.

Ленин районида район партия комитетининг сайёр пленуми бўлди. У «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 1-монтаж бошқармасида ўтказилди. Унда КПСС аъзоси, «Ташсантехгазмонтаж» трести бошқарувчиси Г. В. Аванесовнинг КПСС XXVII съезди қарорлари асосида коллектив пудратини юксалтириш, қурилишда фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишга қўшаётган шахсий ҳиссаси тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Пленумда Ленин район партия комитетининг биринчи секретари В. Д. Ардатов сўзга чиқди.

КУЙЛАЙМАН ШАЪНИНГНИ ЭЙ, ОНА-ВАТАН, КУЙЛАЙМАН СЕНИ МЕН ҲУР РЕСПУБЛИКАМ!

Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси

«РОССИЯ, РОССИЯ — МЕНИНГ ВАТАНИМ!» дея хитоб қилган экан шоир. Бу ҳам кўнгилдаги ифтихорнинг тизма сатрларига айланган ифодасидир. Ҳақиқатан ҳам, Россия бепоён, унинг бағри кенг, об-ҳавоси хушфеъл, қайинлари кўнгилга яқин, табиатя дилкушо, инсонлари эса кўнгилчан... Яна қанча хислату фазилатларни санаб ўтиш мумкин. Бироқ ган бу фазилатларнинг саноғида эмас. Бугунги кунда Россия Федерацияси бу — 16 автоном республика, 5 автоном область, 10 автоном округ, 6 ўлка ва 49 область демакдир. РСФСРда СССР аҳолисининг ярмидан кўпроғи яшайди. Энг йирик Иттифоқдош республика Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини барча республикалар қаторн юксак кўтаринкилик, меҳнатда ҳалоллик, ҳаётгурмушда эса ахил-иноқлик билан пешвоз олмоқда.

Россия Федерацияси бу — энг аввал «Аврора» тўпларининг гумбирлаши янграган 17-йилги Петроградниг Октябрь кунларидир. Бу — Советларнинг иккинчи Бутунроссия съездида қабул қилиниган Тинчлик ва Ер ҳақидаги Совет Декретларидир. Учинчи съездда эса делегатлар Ленин кўли билан ёзилган «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинаётган халқ ҳуқуқлари декларациясини» олқишладилар. Ушбу декларация Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси ташкил этилганлигини эълон қилди.

...Федератив республиканинг ўтган етмиш йил ичида босиб ўтган йўлига назар ташлар эканмиз, унинг роли, биринчи навбатда, СССРнинг мустаҳкам иқтисодий базасини бунёд этишда намоён бўлганлигини таъкидлаш керак.

Бугунги кунда республика территориясида Иттифоқимизда ҳосил қилинаётган электр энергиясининг 60 процентн ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда яқинда қабул қилинган 2000 йилга қадар ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг компелкс программасида Узоқ Шарқ ва Забайкальени социал-иқтисодий ривожлантиришнинг юксак марралари белгиланди.

Республикада қайта қуриш жараёни қийинчилик билан бўлса-да, муваффақият билан амалга оширилмоқда. Ана шу жараён республика агросаноат комплексига анча таъсир ўтказган бўлса ҳам бу соҳада ҳали талайгина резервлар ўзлаштирилмаган. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати 200 миллиард сўмдан ортиб кетган ана шу комплексда бугунги кунда 15 миллион киши банд. Республика давлат агросаноат комитети ўтган йил 17,5 миллиард сўм фойда олди. Бу маблағнинг катта қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва қишлоқни социал ривожлантиришга сарфланади. Бироқ ҳали муаммолар кўп. Фан ва маданият, соғлиқни сақлаш, транспорт, маиший хизмат, шунингдек аҳолининг дам олиши сингари соҳаларда қайта қуриш ишлари бораётган бўлса-да, камчиликлар ҳам етарли даражада. Айниқса экология масаласи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи ўткир бўлиб турибди. Бу соҳада ҳам жиддий ўзгаришлар, тубдан бурилишлар ясаш керак. Зеро, экология масаласи бу—биринчи навбатда инсон саломатлиги, ўсимликлар дунёси, табиатни асраш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир.

КПСС XXVII съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиб бораётган россияликлар, шу жумладан унинг пойтахти Москва шаҳри меҳнаткашлари йўлдаги тўсиқлардан эсанкирамай келажак томон дадил қадамлар ташлаб бормоқдалар. Истиқбол эса ҳамиша ойдин бўлмоғи керак.



МОСКВА. СССР Фанлар академияси П. Н. Лебедев номидаги Физика институтининг янги тезлатқичлар проблемаси лабораториясида янги қудратли қурилма ўрнатилди. Тез импульсли жамлагич деб аталган мазкур қурилма юқори ҳароратли плазмани олиш ва унинг хусусиятларини тадқиқ этиш учун мўлжалланган.

СУРАТДА: кичик илмий ходим Елена Кострикина қурилмани тажриба ўтказишга тайёрламоқда.

А. Морковкин фотоси.

Россия ифтихори

Совет диёрининг Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси ҳақида сўз юритилар экан, унинг территориясида жойлашган доҳиймиз номи билан аталувчи, ўз тақдирини Совет давлати, халқи билан чамбарчас боғлаб, дунёда шуҳрат қозонган шаҳарни эсга олишга ҳақлимиз.

Кўпгина совет ёзувчи ва шоирлари мамлакатимизда катталиги жиҳатидан иккинчи ўринни эгалловчи Ленинград ҳақида ўзларининг иккинчи жаҳон урушига бағишланган асарларида завқ-шавқ ва фахр билан ёзганлар.

Тарихчилар, шоҳидларнинг айтишларича маданият ва санъат борасида ҳеч қачон узоқ қамал тунларидагидек қизғин мунозаралар юритилмаган. Ўша кезларда радио орқали эшиттирилаётган ҳар бир сўз катта диққат-эътибор ила эшитиб борилган: музика, қўшиқ, шеърлар ҳамма жойларда баралла янграган: денгиз базаларида, ҳарбий кемаларда, истеҳкомларда, госпиталларда, Ленинграднинг тузуккина иситилмаган ва қоронғи уйларида. Ҳаммадан ажабланарлиси шундаки, бундай оғир дамларда ҳам халқ ижод қилишга интилган. Умрида лоақал икки сатр битмаган кишилар яхшигина шеърлар ёза бошлаган. Бўлғуси авлодларга ленинградликлар матонатининг рамзи бўлиши учун жанглар қатнашчилари ҳарбий темага бағишланган расмлар чизганлар.

Шаҳар, кейинчалик қалъага айланган. Ленинград Иккинчи жаҳон уруши даҳшатини бошидан кечирди. Фашистлар шаҳарликлар иродасини синдирмоқчи бўлди. Немислар 20 минг иншоотни ер билан яксон этди. Ҳозир эса гуллаб яшнаётган бу замонавий шаҳар дунёда энг чиройлилардан ҳисобланади. Шаҳарнинг кенглиги ва проспектларнинг озодалиги, қирғоқлар узунлиги, ажабтовур қаср ва ғайритабиий, қайтарилмас меъморий ёдгорликлар Ленинградга хос хусусиятлардир. Шаҳардаги мавжуд пионерлар Саройи, Салтиков-Шчедрин номидаги оммавий кутубхона, фельдмаршал Кутузов қабри ўрин олган Қозон черкови, Қишки Сарой ҳар қандай инсонни ҳайратда қолдиради. Александр аркони эса ўзининг баландлиги билан жаҳонда ягонадир. Пискарёв қабристонидаги ёниб турган Мангу машъал ўз Ватанини ҳимоя қилиш йўлида шаҳид бўлган жангчилар хотирасини абадийлаштириб турибди.

Замонавий Ленинград — йирик саноат марказларидан бири. Унда 40 та олий ўқув юрти, кўпгина илмий-текшириш институтлари фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда қаҳрамон Ленинград барча совет шаҳарлари сингари тинч, яратувчилик иши билан машғул.

Бобур ҒИЁСОВ.

Абадий навқирон Москва

Москва реал базага асосланган ягона план бўйича ривожланиб бораверади. Москва архитектура—планлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Л. Вавакин билан суҳбатдан кейин бунга ишонч пайдо бўлди, у ҳозир амалда бўлган Москва равнақи, комплекс социал-иқтисодий планининг айрим жиҳатларини ёритиб берди:

— Агар барча режаларимиз амалга ошса —биз 2000 йилгача бўлган даврни ва шундан кейинги муддатни ҳам ўйлаб иш юритмоқдамиз — Москва XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида ҳақиқатан ҳам мутаносиб ривожланаётган шаҳар бўлади. Айни вақтда унинг тарихан тарқиб топган бетакрор қиёфаси сақлаб қолиниши керак.

Партиямиз зиммамизга юклаган вазифа ҳаммамизга маълум. Асримизнинг охирига келиб ҳар бир москвалик оила алоҳида квартирада яшаши керак. Бунинг мағзини чақиш учун кўпчиликка номаълум бўлган айрим фактларни айтиб ўтай: бунинг учун 48 миллион квадрат метр уй-жой қуриш лозим бўлади! Вазифа оғир, аммо бажарса бўлади. Москвалик бинокорларнинг иш суръати яхши, шу кетишда беш йиллик охирига бориб планда кўзда тутилган 16 миллион квадрат метр уй-жой қуриб битказилади.

2 мингта архитектура ёдгорлигигина эмас, айни вақтда Москванинг тарихан тарқиб топган қиёфасини ташкил этувчи 9500 бино ва иморат ҳам авайлаб асралади. Яна шуни бир бор таъкидлаб ўтишни истар эдимки, янги иморатлар пойтахтимизнинг тарихан таркиб топган марказий қисмидаги тўлдирилиши лозим бўлган бўш жойларда эҳтиёткорлик билан қурилади. Бу ўринда шаҳар қиёфасини сақлаб қолиш қурилишда индустриал методларни қўлланишни умуман истисно этмайди. Шуни ҳам айтайки, Москвадаги янги районлар қурилишида ҳам кўримсизликка йўл қўйилмаслиги лозим. Бунинг учун массивларни лойиҳалаштиришнинг янги принциплари билан бир қаторда биноларни пардозлаш учун янги материаллардан ҳам фойдаланилмоқда.

Марказ хусусида гапирадиган бўлсак, унинг муҳофаза этиладиган зонасини Садовое Кольцо чегарасидан нарига — Камер-Коллеж деб аталмиш тепаликкача кенгайтиришга қарор қилинди. XVIII— XIX асрларда таркиб топган Москва чегараси худди шу ердан ўтган эди. Бундан эски районларда яшовчи аҳоли ҳозирги замон даражасидаги қулайликлардан фойдалана олмас эканда, деган маъно чиқмайди, марказ жадал суръатлар билан ободонлаштирилаверади.

Катта маблағлар зарур бўлади, албатта. Чунки, эски биноларни таъмирлаб, уни ободонлаштиришга қараганда бўш жойда кўп қаватли иморатлар қуриш осонлиги ҳар бир кишига равшан. Давлат Москва учун катта маблағ ажратмоқда. Москвада тарихий иморатларни ижарага олган муассасалар ва ташкилотлар бу борада давлатга фаолроқ ёрдам беришларига ишончимиз комил. Баъзи ижарадорлар эса Москва марказидаги биноларни умуман бўшатиб қўйишлари лозим бўлади. Мазкур марказ мосваликлар билан бир қаторда минг-минглаб меҳмонларнинг ҳам бўш вақтларини ҳушнудлик билан, фойдали ўтказадиган жой бўлиб қолиши лозим. Бу борада ҳозирнинг ўзидаёқ айрим ишлар қилинмоқда. Кўп ишлар анкеталар, сўровлар ёрдамида аҳолининг фикрини билиш ва тарихий ҳамда таъмир ишларида актив ёрдам бераётган москваликлар кўмагида амалга оширилмоқда. Чунки ўз она шаҳрини севадиган, ардоқлайдиган ҳар бир киши учун Москванинг бетакрор қиёфаси азиздир.



МОСКВА. Кремль ва Катта Кремль саройининг кўриниши.

В. Егоров фотоси.

Расул ГАМЗАТОВ

Агар қўноқ бўлсанг

Агар қўноқ бўлсанг ўйим сенинки,
Қаршингда эшигим ёзгандир қанот.
Ташналик қийнаган бўлса гар сени,
Дарё меҳрим бўлсин сенга об-ҳаёт!
Олисдан кеч келсанг чўккалда зулмат
Пешвозингг чиққаймен, фақат қил аён.
Нону гулу бўзам сенга бўлсин бот.
Бисотда не бўлса сенинки меҳмон.
Аёз бўлса сурил ўчоққа яқин,
Иргайдан ўт ёқиб қиздирай чунон.
Очиқсанг, тортинма дастурхон тўкин,
Ермин тенг бўлгум, яшайман ҳар он.
Аёвсиз бирор дард берса-ю озор
Куйиқ шамдек тўзиб қолсанг бемкон,
Мен жарроҳ ёнида бўлиб жон нисор,
Қонингга қон қўшиб бўлурман дармон.
Кўркув гулув солса олгин ханжарим,
Енга тақиб майли мудом юргин гоз,
Соғинчдан ўртаниб эзилса бағринг
Дарҳол кўнглинг овлаб суҳбат қургум соз.
Гар отинг майишса, мниб тулпорим,
От қўйиб довон ош. Сенинки борим.
Содиқ дўст бўлиб қол мен учун ҳардам,
Отим борида ҳам, яёв қолганимда ҳам...

Русчадан Нусрат КАРИМ таржимаси.

Оқшомхонлар учун учрашув

Аркадий АРКАНОВ:

«Бахт — ўзингни тушуниш»



Сатирик-ёзувчи, «Литературная газета»нинг мухбири, таниқли ҳажвнавис Аркадий Аркановнинг номи тошкентликларга яхши таниш. У бир неча марта шаҳримизда меҳмон бўлган, ижодий кечалар ўтказган. Ана шундай кечаларнинг бирида мухбиримиз у билан суҳбатлашди. Қуйида ана шу камтарона суҳбатни оқшомхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

— Ижодий кечангиз учун нимага айнан Тошкентни танладингиз?

— Тошкент — мен севган шаҳарлардан бири. Унга, назаримда баҳор нафаси, гўзаллик, гуллар, қушлар бошқа шаҳарларга нисбатан жуда эрта кириб келади. Айни пайтда, Тошкентда бошқа шаҳарларга хос бўлмаган ажойиб кенглик бор. Уни тоғ-моша қилган сайин яйраб кетасан. Шунинг учун ҳам мен Тошкентни чеҳраси очиқ, самимий, сахий, қулгу, табассумга бой шаҳар деб атагим келади.

Яна бир таассурот, назаримда, бу ерда Эски шаҳар билан Янги шаҳар, бир қаватли иморатлар билан кўп қаватли бинолар ўртасида рақобат бордек туюлади: гўё баланд бинолар кичкина уйларга қараб дўқ уриб турганга ўхшайди.

Ижодий кеча масаласига келсак, бундай тадбиларни унча ёқтирмайман. Китобхон билан юзма-юз турмоқ оғир. Чунки ижодкор санъаткор сифатида ўз ташқи қиёфаси билангина эмас, сўзи билан, фикри билан ўқувчиларни жалб қилиши керак... Билмадим, мен ижодий кечамда қайси бирини яхшироқ бажара олдим экан...

— Сиз бахтни қандай тушунасиз?

— Одамларни кўпроқ севган йилим мен учун бахтли йил ҳисобланади. Лекин бу бахтнинг яна бир томони бор, яъни, яқинларим мени кўпроқ севса, ана шунда янада бахтли бўлган бўлардим. Бахт бу —ўзингни ва бошқаларни тушуна билишда...

— Қайта қуриш ижодкор учун нимадан бошланади?

— Ҳар бир инсон учун қайта қуриш— ўзингдаги эскирган тушунчалардан халос бўлишдан ва ҳаётда янгиликларни англаб етишдан бошланади. Айни пайтда, бу ёзувчи учун фақат қайта қуриш давридагина эмас, ҳамиша зарур. Чунки у ҳар бир асарида янгиланиб туриши керак.

Бироқ адиб ҳар қандай шароитда ҳам виждонан пок бўлиши шарт: сўзи билан иши, дили билан тили бир бўлгандагина муваффақиятга эришади. Афсуски, бизда ҳозиргача кўп жойларда қайта қуришда ишда эмас, кўпроқ сўзда мослашаяпмиз.

— Ҳозир кўплар сатирик-ёзувчиларга яхши бўлди, чунки ҳамма нарса — камчиликлар ҳам, ютуқлар ҳам очиқ-ойдин айтилмоқда, дейишади. Бу фикрга қандай қарайсиз?

— Ҳақиқий ижодкор учун ҳеч қачон осон бўлмаган. Айтайлик, камчиликлар сатирикларга жон киритса, муваффақиятлар кўпайиб кетса, публицистларга яхши бўладими? Унда ёзувчи, шоирларга қандай шароитлар керак? Йўқ, ҳақиқий ижодкор учун ҳамма вақт ҳам ўз қаҳрамонини яратиш қийин кечган. Чунки у суратчи каби маълум вақтдаги маълум бир одамнинг ташқи қиёфасини яратмайди. У инсон қалби билан иш кўради. Тўғри, ҳозир янгиланиш даврида кўп нарсалар ўз номи билан атала бошланди. Камчиликлар очиб ташланмоқда.

Бу бир қадар ижодкор қаламига эркинлик беради. Бироқ, яна такрор айтаман: ижодкор, шу жумладан сатирик-ёзувчи ҳам фақат воқеа-ҳодисалар билан эмас, инсон маънавий олами билан, ундаги ўзгаришлар билан иш кўради...

Сатирик-ёзувчилар учун қийинчиликнинг яна бир томони улар ёзган асарларнинг газета ва журналларнинг энг сўнгги саҳифаларига берилаётганлиги, асарларининг кам нусхада чоп этилаётгани ҳамдир.

— Ижодий кечангиз бир неча кун давом этди. Сизни китобхонлар қандай қабул қилишди?

— Дастлабки кун мен ҳаддиксирадим. Катта зал, одамлар кўп, ҳар хил саволлар қалаштириб ташлашар деб ўйладим. Кейинги кун айрим «китобхон»лар ҳадиксирашди. Сатирик-ёзувчининг асарида номимиз чиқиб қолмасин деб. Учинчи кун охирги кун бўлди, чунки биз хайрлашдик.

Суҳбатни
К. МАТЕҚУБОВ
ёзиб олди.

Рус мақоллари

⊙ Асрнинг ҳам, соғлиқнинг ҳам ўз қадри, ўз вазни бор.
⊙ Вақт — ҳамма нарсани яратади, баҳолайди ҳам.
⊙ Вақт — ҳамма нарсага ўргатади.
⊙ Кўз ёшингни оқизган Вақт — уни аритади ҳам.
⊙ Ҳар экиннинг ўз пайти бор.
ҳар юмушнинг ўз мавриди.
⊙ Ҳар дамнинг — ўз юки бор.
⊙ Ҳафта — ишли билан иттифоқ тузар,
Бекорчининг ёнидан ўтар.
⊙ Ҳар фаслнинг — ўз қўшиғи бор,
⊙ Минг киши мулозамати — бир содиқ дўстчамас.
⊙ Тоғни шамол емиради, Дўстликни — номатлуб сўз.
⊙ Синалмаган дўст — Чақилмаган ёнғоқ.
⊙ Дўстнинг дўстлиги, бирам —борда, бирам—йўқда билинади.
⊙ Дўстлик — нозик шиша, синдирдингми — қайта бутланмас.
⊙ Дўстлик билан бегоналик ўртасидаги масофа йироқмас. (Яъни: бугунги бегона — эртага дўстга айланиши ва аксинча ҳам бўлуви мумкин).
⊙ Совғаданам — унинг тубидаги дўстлик туйғуси ортиқ.
⊙ Севги билан нафрат орасн — бир баҳя.
⊙ Кимни қанча яхши кўрсанг, унга нисбатан шунча бардошли бўласан.
⊙ Эзгуликнинг майдони — кенг,
Ёвузликники — тор.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ
тўплаган.

[РСФСРга бағишланган материалларни «Тошкент оқшоми» ва ТАСС мухбирлари тайёрлашган].

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ХИТОЙ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ БЎЛАЖАК СЪЕЗДИ ТЎҒРИСИДА «ЖЭНЬМИН ЖИБАО» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ПЕКИН. Хитой Компартиясининг яқинлашиб келаётган XIII съезди мамлакат сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлади, деб ёзди бугун «Жэньмин жибао» газетаси ўз шарҳида. Мазкур анжуман ислоҳотларни амалга оширишда партиянинг бош сиёсий йўлини белгилаб беради, ХХРдаги ҳар томонлама ўзгаришларнинг суръат ва миқёсларини аниқлайди. Ушбу партия анжумани 11 чақириқ ХКП Марказий Комитетининг учинчи пленумидан кейинги мамлакат тараққиётида янги тарихий босқич бўлади.

Партиянинг барча аъзолари, Хитойдаги турли миллатларнинг намояндалари съезд очилишини катта қизиқиш билан кутмоқдалар. Анжуманнинг иш кунлари халқнинг партия йўлини, ислоҳотларни маъқуллаш истаги борлиги тушунарлидир. Аммо бу хусусда — тантанали оммавий тадбирлар ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас, деб таъкидлаяпти «Жэньминь жибао» газетаси. Ҳозир мамлакатимизнинг ҳар қийинчиликларидан кечираётганлигини ҳисобга олган ҳолда, ортиқча ҳашаматга йўл қўймаслик зарур. Шу боисдан ҳам партия Марказий Комитети ва ХХР Давлат Кенгаши ҳам ортиқча даромадларни қўшимча ишлаб чиқаришга ва ҳаражатларни камайтиришга даъват этади. Шу шарҳда, расмиятчиликка йўл қўймаслик зарур, чунки қандай тус олмасин, расмиятчилик партия ва халқнинг жиддий зарар етказишига олиб келиши мумкин.

Газета ХХР меҳнаткашларини Хитой Коммунистик партияси XIII съездини очилишини ишда ва ишлаб чиқаришни амалга оширишда юксак ваффақиятлар билан кутиб олишга чақирди.

БМТ БОШ СЕКРЕТАРИ НОМИГА ҚЎШМА БАЁНОТ

● **НЬЮ-ЙОРК. Социалистик мамлакатларнинг делегациялари БМТ Бош Ассамблеяси 42-сессияси қатнашчиларининг диққат-эътиборини кенг қамровли халқаро тинчлик ва хавфсизлик системасини, шу жумладан экономика соҳасида ҳам вужудга келтириш борасида биргаликда куч-ғайратлар сарфлаш зарурлигига қаратдилар. Улар халқаро иқтисодий хавфсизлик концепциясн тўғрисидаги масала хусусида БМТ Бош секретари номига қўшма баёнот юбордилар. Шу баёнотда улар ривожланиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш, ишончни мустаҳкамлаш ва жаҳоншумул проблемаларни ҳал этиш йўлидаги ғовларни бартараф этиш, халқаро иқтисодий муносабатларни нормаллаштириш сотсиал-иқтисодий тараққиётда халқаро ҳамжамиятнинг олдиёқадан бош чиқариб кучларни сарфлаши зарурлиги тўғрисида фикр билдирилар. Сиёсий ирода мавжуд бўлган тақдирда бутун дунё миқёсида иқтисодий ва экологик қийинчиликларни оммавий касалликларни, очарчилик ва тўйиб овқатланмасликни тугатиш ҳақидаги уларнинг олдинги орзуларини эришиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни, шунингдек жаҳоншумул тус олган бошқа муаммоларни ҳал этишга ҳам таъминлаш мумкин деб таъкидланади бутун Бош Ассамблеянинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган баёнотда.**

ПЬЕР ВЕРДЬЕ ОЗОДЛИКДА

● **ПАРИЖ. Эндиликда ҳатто ҳеч нарсага ишонмайдиган кишиларда ҳам мутлақо шубҳа қолмаслиги мумкин: Франциянинг махсус хизмат маҳкамалари машъум «Ариан» ракетаси «сирасрорлари» тевараги да авж олдирган Советларга қарши нғвогарлиқ батамом ва узилкесил барбод бўлди. Чоршанба куни Руан шаҳрининг суд идоралари қарорига биноан статистика ва иқтисодий тадқиқотлар миллий институти маҳаллий бўлинмининг ходими Пьер Вердье турмадан чиқарилди. У шу йилнинг март ойи ўрталарида Франциянинг ДСТ контрразведкаси томонидан қамоққа олинган ва бошқа олти киши билан бирга СССР фойдасига «жосуслик қилди», деб айбланган эди. Унинг рафиқаси совет ғалабаси Людмила Варигина (Вердье) ҳам қамоққа олинган эди. Л. Варигинани қўпўписа билан, қўпол тадбирлар қўлланиб ва кўкрак ўн икки соат тўхтовсиз қаттиқ роққа тутилдар. Полициянинг мана шу ҳеч бир асосиз қилмиши Франциянинг буржуа оммавий ахборот воситалари, шу жумладан давлатга қарашли оммавий ахборот воситалари Совет Иттифоқига қарши душманлиқдан иборат васвасали пропаганда кампаниясини авж олдириб юборишлари учун бир баҳона бўлиб хизмат қилди.**

ЯКДИЛЛИК БИЛАН

● ДОРУС-САЛОМ. Танзания ҳукмрон революцион партиясининг раиси Жулиус Нйерере яна шу лавозимга номзод этиб кўрсатилди. Партия миллий ижроия комитетининг Танзаниядаги Додоме шаҳрида бўлиб ўтган пленумида якдиллик билан шундай қарор қабул қилинди. Танзания президенти Али Ҳассан Мвиньи партия раисининг ўринбосари лавозимига кўрсатилди.

ТАБИИЙ ОФАТ ОҚИБАТИ

Синай ярим оролининг жанубида ниҳоятда кучли сел ёғиб ўтди. Табиий офат жиддий зарар етказди: ўн киши ҳалок бўлди, 15 киши қаттиқ жароҳатланди, 500 га яқин уй тағ-туги билан ювиб кетилди.

Гувоҳларнинг ҳикоя қилишларига қараганда, сел кутилмаганда бошланган. Сув оқими шу даражада кучли бўлганки, еттита туристлар автобусини ағдариб юборган ва 50 га яқин автомобилларга жиддий зарар етказган. Тун бўйи қутурган табиий офат бошқа кўпгина кулфатлар ҳам келтирган.

Қоҳира метеорология хизматининг хабар қилишича, бу қадар кучли сел бу ерда юз йилдан бери қайд этилмаган эди.

ТИШ ВРАЧЛАРИГА ЭҲТИЁЖ ЙЎҚ

Шимолий Ҳиндистоннинг Ладакх тоғ тизмаси районида истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли тиш врачларига ёрдам сўраб мурожаат қилмайди. Улар тиш оғриғи нима эканлигини тасаввур ҳам қилишмайди.

Маҳаллий аҳоли тиш чўткаларидан фойдаланмайди — чунки чўткаларнинг ўзи бу ерда йўқ. Мутахассислар мазкур ижобий ҳолатга асосий сабаб—аҳолининг овқатланиш хусусиятларида бўлса керак, деб тахмин қилишмоқда. Бу ерда сули, гуруч, сабзавотлар (сабзи, картошка, редиска), чой ва эчки сутини истеъмол қилишади. Гўшт ва қандни маҳаллий аҳоли мутлақо истеъмол қилмайди, деб хабар қилади Болгариянинг «Орбита» ҳафтаномаси.

САМОЛЁТ УЧУВЧИСИЗ УЧИБ КЕТДИ

Нью-Йорк штатида истиқомат қилувчи америкалик Д. Янгсинг самолёти уни ташлаб учиб кетди. Ана шу ғаройиб воқеа содир бўлган душанба куни 58 ёшли авиатор эрталабдан омадсизликлар таъқиб эта бошлади. Дўстини кўриб келиш учун ўтлоққа кўнганида уни тополмади — уйда йўқ экан. Янгс уйга қайтмоқчи бўлганида эса стартер ишламай қолди. Дроссельни ёпмай учувчи кабинадан чиқиб, парвани қўли билан айлантира бошлади. Мотор бир оз урди-да, ишлаб кетди ва текис йўлдан югуриб бориб, ўз эгасини ерда қолдириб учиб кетди. 1946 йил моделидаги бир моторли мазкур машинани эгаси бир неча йил мобайнидан эҳтиёт қисмлардан йиғган эди. Янгс юриб кетаётган самолёт кабинасига сакраб чиқиб олмоқчи бўлди, аммо самолётнинг қанот қисмига осилиб қолди, холос. Бир неча ўн метр самолёт ортидан судралиб борган учувчи осмонга кўтарилаётганини ҳис этиб, қўлини қўйиб юборишга мажбур бўлди.

Ҳозир полициячилар йўқолган самолётни излашмоқда. Самолётнинг бакларида икки соат парвоз қилиш учун етарли ёнилғи бор эди.

* * *

Душанба куни кечқурун эгасиз учиб кетган самолёт топилди. У учиш жойидан 105 километр нарида, Клифтон шаҳрининг яқинидаги бўш 10 метр келадиган майдонга бемалол қўнган. Бу ҳақда Болгариянинг «Орбита» ҳафтаномаси тиқомат қилувчи америкалик Д. Янгсинг самолёти уни ташлаб учиб кетди. Ана шу ғаройиб воқеа содир бўлган душанба куни 58 ёшли авиатор эрталабдан омадсизликлар таъқиб эта бошлади. Дўстини кўриб келиш учун ўтлоққа кўнганида уни тополмади — уйда йўқ экан. Янгс уйга қайтмоқчи бўлганида эса стартер ишламай қолди. Дроссельни ёпмай учувчи кабинадан чиқиб, парвани қўли билан айлантира бошлади. Мотор бир оз урди-да, ишлаб кетди ва текис йўлдан югуриб бориб, ўз эгасини ерда қолдириб учиб кетди. 1946 йил моделидаги бир моторли мазкур машинани эгаси бир неча йил мобайнидан эҳтиёт қисмлардан йиғган эди. Янгс юриб кетаётган самолёт кабинасига сакраб чиқиб олмоқчи бўлди, аммо самолётнинг қанот қисмига осилиб қолди, холос. Бир неча ўн метр самолёт ортидан судралиб борган учувчи осмонга кўтарилаётганини ҳис этиб, қўлини қўйиб юборишга мажбур бўлди.

Ҳозир полициячилар йўқолган самолётни излашмоқда. Самолётнинг бакларида икки соат парвоз қилиш учун етарли ёнилғи бор эди.

* * *

Душанба куни кечқурун эгасиз учиб кетган самолёт топилди. У учиш жойидан 105 километр нарида, Клифтон шаҳрининг яқинидаги бўш 10 метр келадиган майдонга бемалол қўнган. Бу ҳақда Болгариянинг «Орбита» ҳафтаномаси тиқомат қилувчи америкалик Д. Янгсинг самолёти уни ташлаб учиб кетди. Ана шу ғаройиб воқеа содир бўлган душанба куни 58 ёшли авиатор эрталабдан омадсизликлар таъқиб эта бошлади. Дўстини кўриб келиш учун ўтлоққа кўнганида уни тополмади — уйда йўқ экан. Янгс уйга қайтмоқчи бўлганида эса стартер ишламай қолди. Дроссельни ёпмай учувчи кабинадан чиқиб, парвани қўли билан айлантира бошлади. Мотор бир оз урди-да, ишлаб кетди ва текис йўлдан югуриб бориб, ўз эгасини ерда қолдириб учиб кетди. 1946 йил моделидаги бир моторли мазкур машинани эгаси бир неча йил мобайнидан эҳтиёт қисмлардан йиғган эди. Янгс юриб кетаётган самолёт кабинасига сакраб чиқиб олмоқчи бўлди, аммо самолётнинг қанот қисмига осилиб қолди, холос. Бир неча ўн метр самолёт ортидан судралиб борган учувчи осмонга кўтарилаётганини ҳис этиб, қўлини қўйиб юборишга мажбур бўлди.

Ҳозир полициячилар йўқолган самолётни излашмоқда. Самолётнинг бакларида икки соат парвоз қилиш учун етарли ёнилғи бор эди.

ХХАСР ОВОЗИ

Э. ХЭМИНГУЭЙ, АҚШ.

ВАҲИМА

Ҳикоя

У деразаларни ёпгани кирганда, биз ҳали ўрнимиздан турмаган эдик. Аҳвол-руҳиятни кўзимга ғалатироқ кўринди. Юзлари девордек оқарган, лабларида тўтироқ аломатлари, юришга мадори йўқдек оҳиста қадам ташларди.

— Нима бўлди, жоним?

— Бошим оғрияпти.

— Ёта турсанг бўлмасмиди?

— Йўқ, ётгим келмаяпти.

— Ўрнингга бориб ёт, ҳозир кийиниб чиқаман.

Мен пастга тушганимда, у кийиниб, камин олдида ўтирарди. Тўққиз ёшнинг ўтиришидан ёшлик ўлгимнинг кўриниши ёдаги синиқлик ва азият унинг тоби йўқлигидан далолат берарди. Пешонасини ушлаб кўрсам, ҳилагина иситмаси бор эди.

— Ўрнингга бориб ёт, бетобсан.

— Соппа-соғман, ётгим келмаяпти.

Чақирилган доктор болаларнинг ҳароратини ўлчаб кўрди.

— Қанча экан, — сўрадим мен.

— Бир юз икки.

Доктор уч хил дори ёзиб, уларни қачон ва қандай ичишни, дорилардан бири иссиқни туширши, иккинчиси ични, учинчиси қонни тозалашини, грипп микробларини фақат қонда бўлишини тушунтирди. У афтидан грипп касаллигининг билимдонига ўхшарди. Ҳозир грипп тарқалган вақт, шунинг учун ҳарорат бир юз тўртдан ошмаса хавотирланмасанг ҳам бўлади, фақат ўпкани шамоллатиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш керак, шунда грипп тезда ўтиб кетади, деб мени хотиржам қилди.

Хонага қайтиб, ўғлимнинг ҳароратини яна бир бор ўлчаб, иссиғини, дори ичирилдиган вақтларини ёзиб қўйдим.

— Бирор нима ўқиб бераймисан?

— Агар хоҳласангиз, майли, — деди у.

Унинг юзлари янада оқариб, кўзлари остида қандайдир доғлар пайдо бўлганди. Каравотнинг оёқ томонига тикилганча қимир этмай ётарди.

Мен говар Пайлнинг «Қароқчилар» китобини овоз чиқариб ўқий бошладим. Ўқиётириб унга қараб-қараб қўяман, у мени тингламаётгандек эди.

— Қалайсан, ўғлим?

Бир юз икки — Цельский бўйича 38,9 даража.

— Бир нави.

Каравотнинг оёқ томонига ўтиб, дори ичириш вақтигача китобни ўзимча ўқиб ўтирдим. Ухласа яхши бўларди деган фикр хаёлимдан ўтди. Унга назар ташладим. Бир нуқтага тикилганча паришон ҳолда қимирламай ётарди.

— Ухлашга уриниб кўрчи. Дори ичадиган вақтда ўзим уйғотаман.

— Ухлагим келмаяпти.

Бир оздан сўнг у «Дада, сизни безовта қилаётган бўлсам, чиқиб кетишингиз мумкин», — деди.

— Мени ҳеч нарса безовта қилаётгани йўқ.

— Агарда касалим сизни безовта қилаётган бўлса, менинг олдимда ўтирмасангиз ҳам бўлади, демоқчиман.

Унинг руҳи анча енгиллашгандек кўринди, дорилarини ичириб, соат ўн бирларда ташқарига чиқдим.

Ҳаво очиқ, аммо хийлагина совуқ эди. Ҳўл қор ёққан ерни муз қоплаган, япроқсиз дарахтлар, пастбаланд буталар, тақир ерлардаги музлар қуёш нурида ялтираб, кўзни олади. Мен ҳали анчагина ғўр ирланд саттерини етаклаб, дарёнинг муз қоплаган қирғоғи томон йўл олдим. Бу сирпанчиқ муз устида юриш ҳам, туриш ҳам қийин эди. тарғил ит юриш у ёқда турсин, турган жойида ҳам сирганарди. Ўзим ҳам икки марта яхшигина йиқилдим, бир сафар қўлимдан чиқиб кетган милтиқ муз устида анча жойга учиб кетди.

Буталар билан қопланган баланд қирғоқ яқинида какликлар галасини учратиб қолдим, улар осмонга кўтарилганда ўқ уздим. Какликларнинг айримлари ўзини дарахтлар орасига урди, қўплари буталар ичига йўрғалаб кетди. Энди уларни қайта қанот қоқтириш учун муз қоплаган тепаликлардаги буталар орасида анчагина сарсон бўлишга тўғри келарди. Икки какликни отиб олиб, шундоқ яқингинамиздан какликлар маскан топганидан хурсанд бўлиб орқамга қайтдим.

Уйда ўғлим ҳеч кимни ёнига қўймаётганлигини айтишди.

— Кирманглар, менинг касалим сизларга юқмаслиги керак, — деяётган эмиш.

Мен кирганимда у ҳеч бир ўзгаришсиз, ранги синиққандай, ёноқлари иситмадан қизариб, каравотнинг оёқ томонига, бир нуқтага тикилганча ётарди.

Ҳароратини ўлчаб кўрдим.

— Қанча?

— Юз атрофида.

— Бир юз икки эди.

— Ким айтди?

— Доктор.

— Иссиғинг жойида. Сира қўрқинчли ери йўқ.

— Қўрқмаяпман, аммо сира хаёлимдан кетмаяпти.

— Ўйлама. Ҳеч нарсани ўйламай ётавер.

— Ўйламаяпман, — деди у менга тикилиб.

Унинг қарашидан ниманидир сўрамоқчи эканлигини англадим, аммо у индамади.

— Манави сувни ичиб юбор.

— Ёрдам беради деб ўйлайсизми?

— Албатта.

Ўтириб «Қароқчилар» китобини ўқишни давом эттирдим. У мени тингламаётганини билиб, яна китобни ёпдим.

— Сизнингча, мен қанча вақтдан кейин ўламан?

— Нима?

— Ўлишимга яна қанча вақт қолди? — деяпман.

— Қанақасига ўларкансан? Сенга нима бўлди ўзи?

— Ўламан. Бир юз икки деганини ўзим эшитдим.

— Иситма бир юз икки бўлганда одам ўлмайди. Бундай ахмоқона гапларни қаердан олдинг?!

— Ўлади. Ўзим эшитганман. Мактабда, француз тили дарсида болалар одам ҳеч қачон ўлмайди, албатта ўлади, дейишганди. Меники бўлса 102°.

У эрталаб, доктор келиб кетгандан буён, қачон ўлишни кутиб, вақимада ётган экан.

— Бечора ўғлим, тентакинам. Бу миль ва километрга ўхшаган гап-ку. Булар икки хил термометр. Уларнинг бири 37° да, иккинчиси 98° ҳарорат норма ҳисобланади. Бизнинг термометрда норма 98 даража.

— Ростданми?

— Бўлмаса-чи. Бу худди миль ва километр ўлчовига ўхшашдир. Машинада 70 миль юрганимизда у неча километр бўлишини яхши биласан-ку.

Тез орада унинг каравоти оёқ томонга тикилишлари, авзойидаги жиддият сусайди. Эрталабдан бошлаб у ўз болалигига қайтиб, кечаги ваҳимани унутиб, арзимаган нарсаларга ўжарлик қилганча одатий хархашасини бошлаб юборди.

Инглиз тилидан
Т. ЖЎРАЕВ таржимаси.

Рабиндранат ТАГОР, Ҳиндистон

Онагинам — Бенгалия

Олтин Водий!
Онагинам — Бенгалия,
Покиза қалб,
Гимн чалар ҳеч тинмай.
Менинг мафтун этган ерга
дил ҳадя,
Мен мангуга сенинкиман,
Ҳойнаҳой...
Серҳосил гулзорингнинг
жилосидан ўргилай!
Кўзларни қамаштирар
Сенинг фусункор тонгинг,
Гулга бурканган қирлар —
Қандоқ ранг-кенг даланг.
О, Онагинам!
ёқимлидир
Ҳар созингнинг оҳанги,
Мен мангуга сенинкиман —
Ҳойнаҳой.
Гар сен ғамнок кўринсанг,
Мен ҳам ғамингга бўлай!!
Чақмоқ чақноқ ўлкангда,
Ноёб кунларим ўтди.
Қонимда зарранг сенинг,
Олтин тупроғинг ўтм.
Соя, намхуш ерларга,
Тараладн Қуёшинг.
Мен мангуга сенинкиман —
Ҳойнаҳой,
Сен томон талпинаман,
Қучиб олгин онадай!!
Яйловларингда ўтлар,
Сигир, қўй, беҳисоб пода —
Халқинг саҳий,
тинч сувинг
Тоғи хиёбонингда.
Ҳеч ялқовлик билмас,
Қишлоқдошим ёвонингда.
Мен мангуга сенинкиман —
Ҳойнаҳой,
Менга жўра ҳар чўпон,
Инн, оға, қудағай.
Мен мангуга сенинкиман —
Ҳойнаҳой,
Бенгалия —Онагинам,
Тупроғингдан ўргилай!!!

Русчадан
Шамси ОДИЛ
таржимаси.



Дания телевидениеси улуғ Дания ёзувчи эртакчиси Ханс Кристиан Андерсеннинг асари асосида «Чўпон ва мўри тозаловчи» театрлаштирилган томошани «зангори экран»да кўрсатди. Спектаклда Данияннинг танқили театр артистлари банд бўлдилар. Томошабинлар «Чўпон ва мўри тозаловчи» спектаклини шу йилнинг охирида кўришади.

СУРАТДА: спектаклдан бир лавҳа.



ХЕЛЬСИНКИ. Совет Иттифоқи ва Финляндия ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда ва кенгаймоқда. Мамлакат миллий драма театри ана шу шонли санага муносиб ҳисса қўшмоқда. Унинг саҳнасида улуғ рус драматурги А. Н. Островскийнинг пьесаси намойиш этиляпти.

Бу асарни саҳналаштириш учун Ленинград область Малий драма театрининг бош режиссёри Лев Додин таклиф этилган. Безакчи рассом М. Горький номидаги Большой драматик театрининг бош рассоми Эдуард Кочергин.

СУРАТДА: Лев Додин (чапда) миллий театр директори К. Савола билан суҳбатлашмоқда. Орқада эса театр биносининг умумий кўриниши.

Н. Горбунов фотоси. ТАСС.

Польша киносидаги изланишлар

Юлиуш Махульский — биринчи польшалик кўнгилочар фильмлар ифодасини жиддий ғоялар билан жамлай олганлигини эътироф этиш ўринли. Совет кинотомошабини режиссёрнинг «ВА — банк I», «ВА—банк II» ҳамда «Янги амазонкалар» каби лентaлари билан яқиндан таниш. У замонавий кинематограф муваффақиятлари (ҳаракат; таъсир кучи, монтаж қилиш)ни мохирона қўллай олади. Польша кинематографияси анъаналарини ҳаётга қайтаради, бу орада иш жараёнига кундалик ташвиш ва қийинчиликларни олиб киради. У биз билан ва бизнинг устимиздан қулади, унинг ҳикояси мароқли, фильмнинг таъсир кучи эса мантиққа мувофиқлик ва жозибадорликда ривожланиб боради. Шу боис оммавий кино мамлакатда юқори, айни вақтда муносиб ўринни эгалламоқда, кўплаб томошабинлар дидига эса хуш ёқяпти. Махульский кинокартиналари нафақат Польшада, балки қатор хорижий давлатларда ҳам миллионлаб аудиторияларни ўзига қаратиб олди.

Шунингдек, ПХРда Ожешконнинг «Неманда» романининг Збигнев Кузминский режиссёрлигида экранлаштирилиши яна бир катта ютуқ бўлди. Фильм моҳирона суратга олинган, воқеалар ривожи бир маромда, равон ва томошабинни мафтун этади, Ушбу роман ўқувчиларнинг севимли китоблари рўйхатидан ўрин олган. Асардаги баён этилган воқеалар XIX аср охирида Неман қирғоғидаги Польша қишлоғида бўлиб ўтган. Ҳақиқатан, режиссёр маҳорати, актёрларнинг ажойиб ўйинмавзуи ва унинг атрофидаги ривожланаётган сюжет фильмни нақадар қизиқарли ва кўнгилочар қилиб юборди.

Махульский, Пивоварский, Тарнас каби иқтидорли режиссёрлар. Маевский, Кузминский, Тшецяк, Поремба ва Вайда сингари кино усталар жамоатчилик диққат-эътиборида турибди. Анжел Вайданинг яқиндагина яратган «Муҳаббат воқеалари хроникаси» фильми кино ихлосмандларининг жонли қизиқиш объектига айланди. Бу фильмни ўтмиш билан, тарихга юз тутган она-ер ва дунё билан хайрлашув мавзуи дейилса тўғри бўлади. Воқеа-ҳодисалар иккинчи жаҳон уруши ибтидоси билан якунланади.

Социологик тадқиқотлар шундан далолат берадики киноэкран билан видео ва телевидение жиддий рақобат қилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра ПХР аҳолисида 500-600 минг видеомагнитофон ва кўп миқдорда видеокассета (сони 2 миллионгача етиш арафасида) борлиги аниқланган.

Телевидение кинопрограммаси эса мунтазам яхшиланиб бораяпти. Эҳтимол, фильм зангори экранда бир оз ўз қадр-қимматини камайтирар, таъкидлайди 40—50 ёшли кинотомошабинлар, аммо оқшомда ҳизматдан сўнг уйдан чиқишнинг зарурати қолмайди. Фақатгина телевизор қўйилса бас, унда Бергман ва Климов, Вуди Аллен ва Менцель, Лотин Америкасининг янги дейталари, совет киносанъати мумтоз асарларининг панорамаси, хуллас, жаҳон киносининг дурдоналари намоён бўла бошлайди.

Ежи ЮРЧИНСКИЙ,
поляк журналисти.

Хоссенгин ЭДУ, Мавритания.

Нейтрон бомба

Ўлим шарпасининг
Нишн
Қонни аврар,
Қонни кўпиклар.
Уйқуда, тўшакда,
Вайрон қилинмаган уйда
Ҳалокат.
Хиросима
бўрисн
Епинган
қўй терисни.

Бировлар
лаҳзада ўлаётир,
Қолганлари —
узоқ азобда.
Марҳумларни
кимлар кўмади!..

Русчадан
Чори АВАЗ
таржимаси.

Келинг, бир кулишайлик

Хандалар

МОНОЛОГ ВА ДИАЛОГ ВА...

— Саҳнада бир шахс гапираверса, буни нима дейилади?

— Монолог...

— Агар икки киши суҳбатлашаётган бўлса-чи?

— Диалог...

— Борди-ю, улар . тўртта бўлса-чи?

— Ҳа, унда каталог бўладида...

ЖАНОБ БРОУН

Жаноб Броун тонгги газетада ўзининг ўлими ҳақидаги эълонни ўқиб ҳайратда қолди ва тезда дўсти Смитга қўнғироқ қилди.

— Смит, сиз газетада менинг ўлимим ҳақида эълонни ўқидингизми?

— Ҳа, сиз қаердан гапиряпсиз?

САРТАРОШХОНАДА

Мижоз: Айтинг-чи, нима учун сизнинг итингиз менга ғалати кўз билан тикиляпти?

Сартарош: Сизга очиғини айтиб қўйишим керак. Ҳадемай ерга қулоқ тушади. Итим уни чаққонлик билан илиб олади. У қулоқ тушишини сабрсизлик билан кутаётир...

САЁҲАТГА ҚИЗИҚИШ

Люся Марияга: Оҳ, жонгинам! Мен қандай хурсандман! Биз Парижга саёҳат қиламиз, —деди.

— Ростданми?

— Ҳа, ростдан, отамни қутурган ит тишлаб олибди, биз энди машҳур француз олими, биринчи марта қутуришга қарши вакцина кашф этган жаноб Пастернинг олдига борамиз.

РАССОМНИКИДА

Бир аёл рассомдан ўзининг портретини чизиб беришини илтимос қилди-да, таъкидлади:

—Расм чиройли чиқмаса, уни сотиб олмайман.

— Хоним, агар у худди сизга ўхшаса-чи, уни сотиб оласизми? — деди рассом қатъий.

Французчадан
Сандғанн МУСАЕВ
таржимаси.

«Тошкент оқшоми» 1988 йилда

Кундалик завқли меҳнатдан кейин ҳар биримиз чарчаб-толиқиб уйга қайтарканмиз кечки овқат, бир оз ҳордиқдан сўнг, табиий равишда телевизор томоша қиламиз, радиодан куй-қўшиқ тинглаймиз, бугунги газеталарни ўқишга киришамиз. «Тошкент оқшоми» газетаси муштарийлари оқшом чоғлари уларга газета дилкаш суҳбатдош, маслакдош, ҳамкор-ҳамдам бўлишини ёзишган. Мана ўша хатлардан учтасининг намунаси:

«Мен «Тошкент оқшоми» газетасини йигирма йилдан бери севиб, иштиёқ билан ўқийман. Газетада қизиқарли ахборотлар, шаҳар муаммоларига доир мақолалар, ахлоқ-одоб ҳақидаги теран фикрлару, ҳикматлар, адабий-бадиий асарлар мунтазам бериб борилади. «Оқшом» газетамиз яна ҳам мазмунли ва қизиқарли чиқишига тилакдошман.

Фахриддин НУРИДДИНОВ, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, пенсионер».

Яна бир хат:

«Тошкент шаҳримизни жуда севаман. «Оқшом» газетамизда шаҳар ҳаётига доир мақолаларни қизиқиб ўқийман. Агар Тошкент тарихидан лавҳалар бериб борилса, айни муддао бўлур эди.

Ботирхон РАСУЛЕВ, инженер-энергетик».

Мана бу хатни «Ташсельмаш» заводи ишчиси Мутал Миршаропов ёзибди:

«Мен ҳар йили «Тошкент оқшоми» газетасига обуна бўламан. Нима бўлди-ю, ўтган йили кечикиб газетага ёзилолмадим. Киоскадан олиб юрарман дедиму, лекин кўпинча сотувчидан «Оқшом» тамом бўлди», деган гапни эшитардим. Шунинг учун бу йил вақтида газетага обуна бўлдим. Сизлардан илтимос, газетада илғор, фидокор, яхши кишилар ҳаётидан ибратли мақолалар бериб борсангиз. Ёшлар ҳаёти, ота-оналар қадр-қиммати тўғрисида ҳам кўпроқ ёзинглар».

«Тошкент оқшоми» газетаси муштарийларининг дил сўзлари, истак-тилаклари, таклифлари ёзилган бундай мактублар редакция ишрежаларини бойитади, газетанинг ўқимишли ва қизиқарли бўлишини таъминлайди. Ахборот воситалари ғоят равнақ топган ҳозирги пайтда кишиларимиз она-Ватанимиз янгиликларини ва дунё хабарларини қизиқиш билан кузатадилар, уларга ўз муносабатларини қизғин изҳор қиладилар. Шунинг учун энг азиз неъмат — нон мўллигидан навбатга турилмайди-ю, китоб, газета-журналларни навбатга туриб иштиёқ билан оламиз, чунки фаровон турмушимиз маънавий бойлигимизни кўпроқ талаб қилаётгани сезилиб турибди.

Инсоний фазилатлар — дўстлик, ҳамкорлик, одамийлик, бир-бирига меҳр-муҳаббатли бўлиш, эл-юрт, она-Ватан қудратини ошириш йўлида ҳалол меҳнат қилиш каби мавзулар «Тошкент оқшоми» газетасининг асосий мавзуларидан бири бўлиб қолди. Шаҳримиз янгиликлари: фан ва техника, адабиёт, санъат, маданият, илм масканлари, болалар муассасалари ҳаёти ва бошқа кўплаб мавзулар газетада мунтазам ёритиб борилади.

Жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимиз ички ва ташқи сиёсатдек ёмон иллатга ҳар томонлама олиб бораётган курашда газетамиз ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган кўплаб ўткир мақолалар билан чиқиш қилди. «Ҳушёрлик— ҳаётимиз тарзи» материаллари бундан кейин ҳам ана шу мавзуга бағишланади.

Одоб—инсоннинг энг гўзал фазилати. Совет кишиларимизнинг турмуш тарзи, хулқ-одоби, дўстлиги, меҳнаткашлиги, ҳалоллиги, одамийлиги, оилавий муносабатлари ҳақидаги мақолалар ҳар пайшанба куни «Инсон одоби азиз» ва айёлларимизга бағишланган «Назокат»да ёритиб борилади.

Инсоннинг энг қимматли бойлиги — саломатлик. Шуни назарда тутиб газетамизда медик олимлар «Саломатлик клуби»да ўз мақолалари ва тавсиялари билан чиқишади, шифокор-врачларнинг маслаҳатлари, медицина янгиликлари, дори-ю-гиёҳлар ҳақида «Саломатлик — туман бойлик» туркум материалларида қизиқарли мақолалар ўқийсиз.

Шаҳримизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича «Табиат— инсон онаси», ноз-неъматларни, айниқса нонни исроф қилмасликни «Нон-бебаҳо бойлигимиз» материалларида таништиб борасиз. Шунингдек, газетанинг ҳар шанба сонида «Шанба оқшоми» саҳифаси ва «Кулгихона»да сермазмун материаллар берилади.

«Тошкент оқшоми» мухлислари газетага ихлос билан обуна бўлишаётган шу кунларда баъзи фикрларни эслатишни лозим топдик.

«Оқшом» газетаси обуначиларга кенг тарқатилади. Ундан мунтазам баҳраманд бўламан десангиз, яхшиси вақтида ёзилишни унутманг.

«Оқшом» газетасининг сермазмун ва қизиқарли бўлишида Сизларнинг фикр-мулоҳазаларингиз ёзилган мактублар, мақола ва ахборотлар яхши ёрдам беради. Шу маънода редакциямизга хат йўллаганингизда конверт устига ўз исм-фамилиянгизни, уй адресингиз ва алоқа бўлимми индексини аниқ ёзишингизни илтимос қиламиз.

«Хамир учидан патир» деганларидек қуйида Сиз, азиз оқшомхонларга айрим материалларимиздан намуналарни ҳавола этмоқдамиз.

Фан ва ўқув юртлари бўлими.

«Қонуни ҳикмат» китобидан

Луқмони ҳакимнинг ўғлига айтган насиҳатлари

У ўғлига айтди: «Агар бу панду-насиҳатларни ёдда тутсанг ва уларга амал қилсанг, ақл ва улуғликка эга бўласан. Аввало сўзни ўзингга яраша гапир, одамларнинг қадру-қимматини англа, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини тани, сирингни маҳкам сақла. Одамларни бошингга иш тушганда сина, дўстни фойда ва зарарда имтиҳон қил. Доно ва зийрак одамлар билан дўст тутин, аблаҳ ва нодон одамлардан қоч, хайрли ишларни амалга оширишга жидду-жаҳд билан кириш.

Сўзни ҳужжат билан гапир, маслаҳатни доно одамлар билан қил, ёшликни ғанимат бил. Ёшликда керакли ишларни қилиб қол. Дўстларингни ҳурмат қил, уларнинг хизматини жон деб қабул эт.

Устозингни иззат қил, чиқимни киримга яраша қил, ишларда ўзингни ўртача тут. Саховатпеша бўл, меҳмонга чин дилдан хизмат қил, бировнинг уйига кирсанг, кўзингни эҳтиёт қил. Улуғлар суҳбатида ўтирсанг, тилингга эҳтиёт бўл.

Кўпчилик ичида бўл, либосингни покиза тут, болаларингни илм, адабга ўргат. Тунда гапирсанг, паст овозда гапир, кундузи гапирсанг, атрофингдагиларга эътибор бер. Кам гапириш ва кам ейишни одат қил. Ўзингга раво кўрган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўр. Ҳар бир ишни ақл билан қил, бировларнинг нарсасига кўз тикма. Пасткаш кишилардан вафо кутма, қилинмаган ишни қилинганга ҳисоб қилма. Бугунги ишни эса эртага қолдирма.

Нокас ва баҳил кишилардан яхшилик умид қилма. Ўзингдан улуғ кишилар билан ҳазиллашма. Улуғлар билан суҳбатлашганда сўзни узайтирма, ҳожатманд кишиларни қуруқ қайтарма, бировларнинг устида эса фармонбардорлик қилма. Бировнинг яхшилигини яхшилик билан қайтар. Икки одамнинг орасида чақимчилик қилма.

Маҳмуд ҲАСАНОВ тайёрлаган.

Ўтмишдан садо


МИЛЛИОН ТАРИХИ

Мингдан ортиқ рақамни ёзиш учун ўрта асрликлар қуйидаги усулни қўллаганлар: миллион учун — «минг та минг», миллиард учун— «минг та минг минг». Ҳаттоки XVI аср ўрталарида немис математиги Адам Ризе 86789325178 рақамини қуйидагича ёзган: 86 минг минг минг, 700 минг минг, 89 минг минг, 300 минг, 25 минг, 100 ва 78.

«Миллион» тушунчасини биринчи бор ким қўллаган деган саволга математика тарихи: XV асрда итальян математиги ва Леонардо да Винчининг дўсти Лука Пачоли, деб жавоб беради.

Бироқ, буюк географик кашфиётлар натижасида ғаройиботларни ҳам тарих ёдга олади! Қарийб икки аср муқаддам саёҳатдан қайтган машҳур Марко Поло Хитой бойликларини тасвирлаш учун «миллионе» (кўпайтирилган «милле»-минг) атамасини ўйлаб топган. Унинг замондошлари тушунилишича ҳикояларини жуда бўрттирилган деб ҳисоблаганлар ва ҳатто ўзини ҳам Марко Миллионе деб атай бошлаганлар. Икки аср ўтгач, математикларга бу янги сўз ёқиб қолган...

Фозилжон ОРИПОВ.



Ф. СП-1

Министерство связи СССР
«Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на газету 64690
(индекс издания)
ТОШКЕНТ оқшоми
Количество комплектов 1
на 1988 год по месяцам:
1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12
Куда | | |
(почтовый индекс) (адрес)
Кому
(фамилия, инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА
ПВ | место | авто
на газету 64690
(индекс издания)
ТОШКЕНТ оқшоми
Стоимость подписки — руб. — коп. Количество комплектов 1
переадресовки — руб. — коп.
на 1988 год по месяцам:
1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12
Куда | |
(почтовый индекс) (адрес)
Кому
(фамилия, инициалы)

«Тошкент оқшоми»га обуна баҳоси: бир йилга — 7 сўм 92 тийин, олти ойга — 3 сўм 96 тийин, 3 ойга — 1 сўм 98 тийин. Обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда.

Ушбу бланкани қирқиб олинг, бандларини тўлдирингда уни жамоатчи матбуот тарқатувчиларга ёки алоқа бўлимига топширсангиз обунангизни расмийлаштиришади.

Янги дефолиант иммтиҳондан ўтмоқда

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқув хўжалигида механизатор-студентлар терган пахта тозалиги билан ажралиб туради. Бунга сабаб шуки, кузанинг барги янги хил дефолиант — геметрел билан тўкилганлигидадир. Олий мактаб олимлари яратган препарат ишлаб чиқариш текширувидан ўтмоқда.

Геметрел 30 гектардан кўп майдонга сепилди.

— Деҳқон сифатида бу янгиликка жуда яхши баҳо бера оламан, — деди бўлим мудири И. Тасжуреков. — Шундай дефолиантни кўпдан бери кутардик. Ғўза баргининг 90 проценти кўклигидаёқ тезда тўкилиб кетди ва механизаторлар еттинчи куни машиналарини далага олиб чиқишди.

Институт химиклар ўтказган тадқиқотлар геметрел ғўзанинг ўсишига ҳам таъсир этишини кўрсатди. Бир гектар ерга ишлов бериш харажатлари эса 10 сўмдан ошмайди. Энди бу дефолиант давлат синовларидан ўтади ва шундан кейингина узил-кесил қарор қабул қилинади.

А. БЕЗВЕРХОВ,
ЎзТАГ мухбири.

БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!

№ 9 (52)

Партия турмуши:
иш услуби ва методи

ҚАЙТА ҚУРИШ ЖОНКУЯРИ

— Яхши биласизларки, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленуми қурувчилар олдига катта вазифаларни қўйди, — деди бошқарма партия бюроси секретари В. А. Корнеева бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида иккинчи марта сўз олиб. — Пленум материалларида «...Жиддий ва кечиктирилмас вазифа — бу уй-жой проблемасининг ҳал этилишидир... Қўшимча капитал маблағлар ҳисобига ўн иккинчи беш йилликда уй-жой қурилиши ҳажмини ўн биринчи беш йилликдагига қараганда 60 миллион квадрат метрга кўпайтириш мўлжалланган. Беш йилликда жами 15 миллиондан кўпроқ оила квартира олади», дейилган. Бу масалани ҳал этиш бизларга ҳам боғлиқ. Ҳалол ва самарали меҳнат қилинса, партиямиз режалари албатта бажарилади.

Буни чуқур ҳис этган бинокорларимиз ташаббускорлик, фидокорлик билан меҳнат қилаяптилар. Шунга қарамай орамизда қайта қуриш, жадаллаштириш жараёнида ўз бурчини унутиб қўяётган, вазифасига совуққонлик билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Коммунистлардан бири А. Бекмуродов бригадаси аъзоларига нисбатан талабчанлик қилмагани сабабли тартиб-интизом бўшашиб кетган. Партиявий принципиаллик кўрсатмагани учун собиқ бригадир А. Бекмуродовга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор беришни таклиф этаман.

Секретарнинг таклифини партия йиғилишида иштирок этаётганлар қўллаб-қувватлашди.

Сўнгги пайтда «Главташкентстрой»нинг 153-трести 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг бошланғич партия ташкилоти ҳар томонлама, нафақат КПСС аъзоларига, умуман коллективнинг барча қурувчиларига партиявий таъсирини кучайтирди, талабчанлик ортди. Партия йиғилишларида ҳал бўлмаётган муаммолар, интизомни мустаҳкамлаш, иш сифати ва унумдорликни оширишга оид масалалар тез-тез муҳокама этиладиган, чора-тадбирлар белгиланадиган бўлди. Мажлислар кизғин тортишувлар билан, принципиаллик, ўз-ўзини танқид руҳида ўтаяпти. Ишда бўшашувчанликка йўл қўйган собиқ катта прораб, коммунист Р. Шокиров меҳнат қилаётган объектда ишлар аҳволи ёмонлиги туфайли қатъий огоҳлантирилди. Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини назорат қилмагани учун прораб, партия аъзоси Ф. Маметовга ҳайфсон эълон қилинди ҳамда уч ой муддатга мастерликка туширилди. Партия бюроси бошқарма бўлинмаларининг бошлиқлари ҳисоботларини мунтазам эшитиб боради. Ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғи Е. Уколов ишда йўл қўйган жиддий хатолари, бўлим ишини ўз ҳолига ташлаб қўйгани, ўз ҳисоботи эшитишга қўйилган партия бюроси йиғилишига атайлаб келмай, ҳисобот беришдан бўйин товлагани учун вазифасига нолойиқ деб топилди.

Шунингдек, қурилиш бригадаларида, умуман бошқармада меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун кураш ҳам кучайтирилди. Бинокорларнинг унумли меҳнат қилиши ва мароқли дам олишлари учун шарт-шароитлар яратишга эса эътибор янада оширилди. Талабчанлик билан олиб борилган ана шу тадбирлар натижасида кўпчилик бригадалари хўжалик ҳисоби асосида иш олиб бораётган бошқарма коммунистларининг ишга масъулияти кучайди, меҳнатда фаоллиги ошди. 1971 йилда бир бригада хўжалик ҳисоби асосида меҳнат қила бошлаган эди. Бугунга келиб бригада пудратида ишлаётган коллективлар сони тўртгага етди. Қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва самарадорлигини оширишда уларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Айниқса, С. Соатов, Е. Ҳасанов, В. Аноприенко бригадалари партия группалари хўжалик ҳисобини ривожлантириш борасида яхши иш олиб боришаяпти.

«Ҳурмат белгиси» ордени кавалери А. Ҳасанов ташаббускор, жонкуяр, билимдон, принципиал коммунист. Коллектив бинокорларининг шижоатли, сергайрат йигитлар эканлигидан ўтган йили «Главташкентстрой» системасининг бригадалари ўртасидаги социалистик мусобақада 1-кварталда иккинчи, III кварталда эса учинчи ўринни олганликлари ҳам далолат бериб турибди.

Е. Ҳасанов бошлиқ бригада коммунистлари бажараётган ишларини иқтисодий таҳлил қилиб берадилар. Тежамкорлик, меҳнат унумдорлигини оширишда нафи тегадиган илғор усулларни излайдилар. Жумладан, Н. Злобин методи асосида меҳнат қилиб, ўтган йили иш самарадорлиги ва сифати илгаригига нисбатан кескин ошди. Ўтган йили 33 минг сўмлик қурилиш-монтаж материаллари тежалди. 1987 йилнинг биринчи ярмида меҳнат унумдорлиги 20,9 процентгача ўсди. Бунга аввало, қурувчиларнинг бир неча касбларни эгаллаганликларининг нафи катта бўлди.

— КПСС Марказий Комитетининг экономика масалаларини муҳокама қилган июнь Пленумидан кейинок, — дейди Е. Ҳасанов, — биз партия группамизнинг очиқ партия йиғилишини ўтказдик. Унда бригадамизнинг барча аъзолари иштирок этишди. Ишдаги мавжуд муаммолар, камчиликлар, қурилишдаги узилишлар, уларнинг сабаблари хусусида жиддий ва принципиал гаплашиб олдик. Бошқарма бошланғич партия ташкилоти бюросининг аъзоси, бригада бошлиғи сифатида менга ҳамда прораб сифатида коммунист Е. Цойга кўп вазифалар юклашди.

3-қурилиш бошқармасининг коммунистлари Е. Ҳасанов, С. Соатов, В. Аноприенко бошлиқ хўжалик ҳисобида иш олиб бораётган комплекс қурилиш бригадалари мисолидаёқ меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор шакли — бригада пудрати усулининг қанчалик самара бераётганлиги хусусида яққол тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Хўжалик ҳисобидаги бу бригадаларда ғайрат-шижоат ҳам, ташаббускорлик ҳам, ишнинг сифати ва самарадорлигига эътибор етарли. Ана шу уч бригаданинг меҳнат фаолияти билан яқиндан танишиб чиққач, бунга ишонч ҳосил қилдик. Бошқарма партия бюроси аъзолари тез-тез орқада қолаётган бригадаларда бўлиб, улар йўл қўяётган камчиликлар, қолоқликнинг сабабларини аниқлайдилар, амалий иш билан уларга ёрдам берадилар Аввалларн, бригадалар ишлари партия бюроси йиғилишларида муҳокама этилиб чора кўриларди, холос. Эндиликда ўз иш методини қайта қураётган КПСС аъзолари бу усулдан воз кечдилар. Бригада пудрати меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг жуда самарали шакли бўлишидан ташқари, у кўпгина афзалликларга эга эканини қурувчилар тезда англадилар.

3-қурилиш бошқармаси бошланғич партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленумининг ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленумининг экономикани бошқаришни қайта қуриш, хўжалик ҳисобида ишлаш формасини, ошкоралик, демократиялаштириш ҳақидаги талаблари асосида партиявий таъсирчанликни, ўз фаолиятини кучайтиришга интиляпти.

О. НАЗАРОВ.



Бурч масъулияти



Куйбишев район ҳарбий комиссариатидамиз. Ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ҳал қилувчи паллада. Эшик олдида навбат кутиб турган йигитларга хизматга жўнаш муддати айтилмоқда... Юзларда ҳаяжон, бир-бирлари билан нималарнидир баҳслашишади. Ичкаридан чиққанларни дарҳол саволга тутишади:

— Нима дейишди?

Йигит чўғдек ловиллаб турган қизил билетни уларга кўрсатади. Демак, ҳаммаси жойида! Ҳарбий хизматга яроқли. Эшик очилиб, ичкарига яна бир ўсмир киради.

Ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлашга мутасадди бўлган комиссариат ходимларининг кўнгиллари тўқ: районда истиқомат қиладиган 150 ўсмир йўлланма билан ҳарбий билим юртларига ўқишга жўнатилди. Асосийси, ўқувчиларда ҳарбий касб — офицерликка бўлган иштиёқ тобора авж олиб бораяпти. Ўсмирлар ўзларига қўйилган талабларни бажаришлари учун бор куч ва билимларини ишга солишади. Улар офицер бўлишга, бутун умрларини мамлакатимиз халқларининг осойишта турмушини таъминлашга сарфлашга ихтиёрий бел боғлашди.

Навбат кутиб турганларнинг орасида эртанги ҳарбий хизматда жуда асқотадиган касб сирларини ўрганиб олганлар бисёр. Кўпчилик ўсмирлар район ДОҚААФи қошидаги спорт-техника клубида шоферлик касбини ўрганди. Республика аэроклуби мактаби машғулотларида мунтазам қатнашган ўсмирларга эса парашютчилик касбини эгаллаганлиги ҳақидаги гувоҳнома берилди. Айримлар артиллерия сирларини ўрганиб қуроллардан фойдаланиш бўйича маълум кўникма ҳосил қилди. Бир группа ўсмирлар радио-механиклик гувоҳномасига эга. Ўсмирларни саралаш, уларга ҳарбий касб сирларини ўргатишни таъминлашда катта лейтенант Нур Акуновнинг хизматлари катта бўлди. Кўксида «Қизил Юлдуз» ордени порлаб турибди. У Афғонистон Демократик Республикасида кўрсатган жасоратлари учун берилган.

— Энг асосийси, ўсмирлар ҳарбий хизмат ҳақида тўла тушунчага эга бўлишлари керак, — дейди Нур Акунов. — Ана шунда ўсмир дастлабки кунданоқ ўзини дадил сезади. Мураккаб техника, қуролларни ўрганишда қийналмайди. Тезда аълочилар қаторидан жой олади.

Ҳозир солдатлик бурчини шараф билан ўтаётган жангчилар Мансур Ҳамидов, Равшан Нажимовларни бунга мисол келтириш мумкин. Улар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ҳарбий комиссариат тавсияси билан шофёрлик касбини ўрганишган эди. Яқинда бу икки жангчи хизмат қилаётган ҳарбий қисмлардан хат олинди. Хатнинг ичида танкчиларнинг ўз ҳарбий қисмларининг жанговар байроғи олдида тушган суратлари бор эди.

Демак, улар солдатлик шон-шарафини улуғловчи олий ниятга эришишган. Барча топшириқларни вақтида ва нуқсонсиз бажаришган. Машғулотларда энг юксак натижа кўрсатишган. Сиёсий билимларни пухта ўрганишган. Ҳар жиҳатдан сафдошларига ўрнак бўладиган солдатларгагина жанговар байроқ олдида суратга тушиш ҳуқуқи берилган.

Бу икки жангчининг сурати ҳарбий комиссариатда ташкил этилган махсус стендга қўйилган.

Шу ўринда ҳарбий техника ва сиёсий билимларни ўзлаштиришда муҳим восита бўлган рус тили ҳақида алоҳида тўхташ лозим бўлади.

— Районимиздаги кўпчилик ўрта мактабларда рус тилини ўрганиш талаб даражасида ташкил этилган, — дейди район ҳарбий комиссарининг ўринбосари, ҳарбий комиссариат партия ташкилоти секретари майор Ҳамидулла Убайдуллаевич Абдуллаев. — Айниқса 190, 64, 205, 241-мактаб ва 11-ўрта ҳунар техника билим юртида ҳарбий хизматга чақирилувчиларга рус тилини ўргатиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Бироқ, ҳунар-техника билим юртларидаги ишлар талаб даражасида эмас. Маълумки, одатда билим юртларига қишлоқдан келган ўсмирлар қабул қилинади. Шу боис дан бу жойларда рус тилини ўргатишнинг ўзига хос методикаси бўлиши керак. Аммо 19, 32, 36, 38-ҳунар-техника билим юртларида, шунингдек, топография техникумида ана шундай масъулиятли вазифага юзаки ёндошилмоқда. Бу билим даргоҳларида ҳарбий таълимнинг асоси бўлган спорт турлари билан шуғулланиш ҳам талаб даражасида эмас. Спортнинг ҳарбий-амалий турлари билан шуғулланиш учун шароит яратилмаган. Мана шу билим юртларидан ҳарбий хизматга чақирилаётган ўсмирларнинг кўпчилиги қурилиш қисмларига юборилмоқда. Райондаги 223, 208, 209-ўрта мактабларда ҳам ўсмирларда дастлабки ҳарбий таълим бўйича кўникма ҳосил қилиш яхши ташкил этилмаган.

Кўриниб турибдики, муаммолар оз эмас. Ҳарбий комиссариат ходимлари эса ўсмирларни хизматга пухта тайёрлаш ҳақида астойдил жон куйдиришмоқда. Уларнинг бутун фаолияти СССР Қуролли Кучларининг сафларига етук, билимдон кадрлар етказиб беришга қаратилган.

М. ОТАХОНОВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: катта лейтенант Нур Акунов; ҳарбий хизматга жўнаш ҳақида чақирилув қоғози олган бир группа ўсмирлар; «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳарбий ўқув пунктининг бошлиғи, истеъфодаги подполковник Михаил Толкачев навбатдаги машғулотни олиб бормоқда.

Р. Шарипов фотолари.



Ташаккурнома

Ўша куни ниҳоятда ҳаяжонли воқеа бўлди. Кечки пайт командиримиз ҳаммани сафга тизиб, қўлида тутиб турган бир варақ қоғоздаги ёзувларни баралла ўқий бошлади.

«Ҳурматли Юсуфбек Муҳсимбекович ва Шарифа Раҳматуллаевна! Ўғлингиз, оддий жангчи Шавкат Юсупович Муҳсимов ўз ҳарбий хизмат бурчини бажаришда намуна кўрсатиб, Ватанга хизмат қилишда сафдошларига ибрат бўлмоқда. Сиёсий билимларни пухта эгаллаб, машқларда ҳамиша ибрат кўрсатмоқда. Шу боисдан ҳам у командирлар ва жангчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Биз Сизларга фарзандингизнинг муваффақиятларини хабар қилиш билан шундай ватанпарвар, Ватанимизни, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматини жон-дилдан севадиган жасоратли инсонни тарбиялаганликларингиз учун ташаккур билдирамиз.

Ҳурмат билан ҳарбий қисм командири.

Ҳарбий қисм командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари.

* * *

Ростини айтганда қувонганимдан кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Камтарона хизматларим учун ота-онамга билдирилган ташаккур барча сафдошларимни қувонтирди. Улар мени самимий табриклашди. Ўзим эса топшириқларни бажаришга енг шимариб киришдим. Кўп ўтмай менга кичик сержант унвони беришди. Бўлинмага командир бўлдим. Ҳозир бўлинмани аълочилар сафига чиқариш учун биргаликда ўқиб-ўрганмоқдамиз.

Менга билдирилган ташаккур ҳар қандай қийин топшириқни ҳам вақтида ва соз бажаришга даъват этмоқда.

Ш. МУҲСИМОВ,
кичик сержант, Н-қисм.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

Ёдгорлик қўйилади

Урушнинг овози тинганига 42 йилдан кўп бўлди. Лекин унинг халқ қалбида қолдирган оғир жароҳат ҳамон сезилиб турибди. Бизнинг «Камолон» маҳалламиздан жуда кўп йигитлар фашистларга қарши жангга отланишган эди. Улардан 105 нафари хонадонларга қайтиб келишмади, жанг майдонларида қолишди.

Кейинги йилларда ана шундай халқимиз озодлиги, фаровон турмушимиз учун қон кечиб жанг қилган 35 нафар маҳалладошимиз жароҳат азобидан вафот этишди. Маҳалла уруш ва меҳнат ветеранлари совети хайрли иш бошлади. Совет аъзолари хонадонларда бўлишиб, жанг майдонида қолган кишиларнинг исм ва фамилияларини аниқлаб чиқишди. Бу ишни амалга оширишда 84- ва 34-ўрта мактабнинг ўқувчилари ҳам катта ёрдам беришди. Улар хонадонларда бўлиб, жангчиларнинг ёзган хатлари, ҳужжатлари билан танишдилар. Зарур маълумотларни тўплашди.

Ветеранлар йиғилишиб, маҳаллада жанг қаҳрамонлари учун ёдгорлик ўрнатишга қарор қилишди. Уларнинг бу фикрини район уруш ва меҳнат ветеранлари совети ҳам маъқуллади. Ҳозир юқорида қайд этилган икки мактаб оралиғида ёдгорликни ўрнатишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад, ёшларни Ватанга содиқ кишилар қилиб тарбиялашдир. Улар мактабга бораётганларида ҳам, қайтаётганларида ҳам ёдгорликка назар ташлаб ўтадилар. Жангу жадал йилларини, ҳаёт-мамот олишувида жасорат кўрсатганларни яна бир марта эслайдилар. Демак, ўзлари ҳам жасур кишилар бўлишни юракларига тугиб қўйишади.

Ҳозир маҳалламизда 25 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчиси истиқомат қилмоқда. Ҳар йили Ғалаба куни уларни маҳалла клубига тўплаб, ҳурмат бажо келтирмоқдамиз, Гулдасталар тақдим этиб, кўрсатган жасоратларини йиғилганларга сўзлаб бермоқдамиз. Қисқа қилиб айтганда, шу кундаги бахтли турмушимиз учун ўз жонини аямасдан жанг қилганлар ҳамиша эъзозда.

С. ИЎЛДОШЕВ,
меҳнат ветерани.

ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Ҳарбий хизматни ўтаган йигит фақат яхши солдат бўлибгина қолмай, давримизнинг актив қурувчиси ҳам бўлиб етишади. Ҳар бир олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртларида, янги қурилишларда, заводларда ва колхозларда ҳарбий мактабни ўтаб келганларни қувонч билан кутиб олишади.

— Мен армиядаги хизмат онларимни қувонч билан эслайман, — деб ёзган эди машҳур қурувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин. — У мен учун чиниқиш мактаби бўлди.

Бир воқеанинг шоҳиди бўлганман. Совет Армиясида хизмат бурчини ўтаб бўлгач, запасдаги ефрейтор Ильгизар Мингалиев КамАЗ қурилишига ишга борган.

И. Мингалиев комсомол топшириғини ҳарбий бурчдек билди. Ҳозир у пайвандчи слесарлар бригадасини бошқармоқда.

Яқинда полкдошлари ундан хат олишди.

«Армия сафидан бўшаганимдан сўнг КамАЗга кетганимдан хабарингиз бор. Бу ерга келганимдан сўнг қизиқ воқеа рўй берди: мени ҳар томондан ишга таклиф қила бошлашди. Бунинг сири оддий: мен ҳарбий хизматдан қайтгандим. Солдатлар эса бу ерда бошқача ҳурмат қилинар экан, уларни навбатсиз ишга олиб ётоқхона билан таъминлашаркан. Армия бизга топширилган вазифани ўз вақтида ва сифатли қилиб бажаришга ўргатганлигини ҳамма яхши билади.

Бу ерда менинг кўпгина тенгдошларим бир тан, бир жон бўлиб ишлашади, уларнинг орасида Ватанимизнинг 30 миллат вакиллари бор.

Армия хизмати туфайли чидам ва сабот йигитларнинг фазилати бўлиб қолади. Йигитлар икки-уч йиллик армия ва флот хизматидан сўнг уйларига, қадрдон қишлоқларига, иш жойларига қайтишади. Уларнинг одоби ва хулқи хизмат мактабида яна ҳам кўркамлашади. Ана шу йигитларга қараб бундан икки-уч йил аввал ота-оналари уларга қарата айтган гапларини ёдга оласан киши: «Армияга боргин, ўша ерда сени ҳамма нарсага ўргатишади». Ҳа, ҳақиқатдан ҳам шундай.

Бир куни мен хизмат қилаётган қисмга бир онадан хат келди. Бу мактубни қисмимиздаги йигилишда ўқиб эшиттиришди. Унда қуйидагилар ёзилганди. «Мен ўғлим Володяни хизмат бурчини ўташга жўнатаётганимда, ундан жуда хавотирланган эдим. Унинг олий ўқув юртида ўқиётган дўстларига ҳавасим келарди. Ўғлим хизмат қилаётган жойларга бордим. Турган гап, у хизмат қилаётган қисмга ҳам кириб ўтдим. Ўғлимни кўргач, уни таниёлмадим. Менинг олдимда ҳарбий формадаги келишган, жиддий, мағрур йигит турарди. Дилим яйраб кетди. Энди мен ўғлим шу ажойиб мактабни битириб чиққани яхши бўлган деб ўйлайман.

Ўғлим Володя хизматдан қайтиб келди. Қисмида у лакаласи мутахассис бўлди. Партия сафига қабул қилишибди. Заводга ишга жойлашди, институтнинг сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Ўғлимнинг тарбияси учун миннг бор раҳмат! Мен ўғлларга бош эгиб таъзим қиламан!».

Яна бир воқеа...

Қисмимизда бўлиб ўтган комсомол йиғилишида ҳарбий хизматни ўтаб, уйга қайтаётган сержант Николай Гусев ўзининг армиядаги ҳаёти ҳақида сўзлаб берди.

— Биз армияда фақат ракета милтиқдан яхши отишни эмас, жуда ҳам мураккаб сирларини ўргандик. Мен ҳам кўп ишларни қилдим. Машғулотлар хонасида айтган сўзларини хотирамда худди магнит лентаси сингари ёзиб олдим. Кейин ишларга юришиб кетди. Мерганликда ўзимни кўрсатдим, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари қаторига ўтдим. Сержант бирдан бўлиб табриклади, мен ҳам уни.

Д. ЖАЛОЛОВ.

Энди мен ўғлим шу ажойиб мактабни битириб чиққани яхши бўлган деб ўйлайман.

Ўғлим Володя хизматдан қайтиб келди. Қисмида у лакаласи мутахассис бўлди. Партия сафига қабул қилишибди. Заводга ишга жойлашди, институтнинг сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Ўғлимнинг тарбияси учун миннг бор раҳмат! Мен ўғлларга бош эгиб таъзим қиламан!».

Яна бир воқеа...

Қисмимизда бўлиб ўтган комсомол йиғилишида ҳарбий хизматни ўтаб, уйга қайтаётган сержант Николай Гусев ўзининг армиядаги ҳаёти ҳақида сўзлаб берди.

— Биз армияда фақат ракета милтиқдан яхши отишни эмас, жуда ҳам мураккаб сирларини ўргандик. Мен ҳам кўп ишларни қилдим. Машғулотлар хонасида айтган сўзларини хотирамда худди магнит лентаси сингари ёзиб олдим. Кейин ишларга юришиб кетди. Мерганликда ўзимни кўрсатдим, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари қаторига ўтдим. Сержант бирдан бўлиб табриклади, мен ҳам уни.

Д. ЖАЛОЛОВ.

Ишда ва уйда



Х. Девятов В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам электр монтажчиларидан биридир. У топшириқларни вақтида ва соз бажаришда ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. Унга хос хислатлардан бири — изланувчанликдир. Системаларни монтаж қилиш ва йиғиш бўйича бир неча рационализаторлик таклифларини ўртага ташлади. Уларни жорий қилиш корхонага кўп иқтисодий самара келтирди.

Х. Девятовнинг ёшлигидан ихлос қўйган иккинчи касби ҳам бор. Бу — авиамоделизмдир. Ўн етти йил давомида у мамлакатимизда тайёрланган жуда кўп ҳаво лайнерларининг моделларини яратди. Бинобарин, у ишхонада ҳам, уйда ҳам фақат самолётсозлик билан шуғулланади. Яқинда Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақаларида еттинчи ўринни қўлга киритди.

СУРАТДА: авиамоделсоз Х. Девятов беш ёшли қизи Диана билан янги моделини кўздан кечирмоқда.

М. Зальцберг фотоси.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ОКТЯБРНИ ҚАРШИЛАБ

ПРАГА. ЧССР халқларининг энг янги тарихи, Чехословакиянинг давлат мустақиллиги ҳамда унинг ишчилар синфи етакчи сиёсий кучи — ЧКПнинг қайта туғилиши Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғоялари билан чамбарчас боғлангандир, деб ёзади «Руде-Право» газетаси. Бугун Совет Иттифоқи, бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ЧССР миллий хавфсизлиги ва мустақиллигининг гаровидир, социалистик тараққиётни жадаллаштириш йўлидаги ишончли йўлчи юлдуздир. Совет Иттифоқида ҳозир рўй бераётган жараёнлар, деб ёзади ЧКП Марказий Комитетининг органи, КПСС сиёсати ҳақиқий революционлиги, большевикларча дадиллиги ва социал инсонпарварлиги билан ажралиб туришини янги куч билан тасдиқламоқда.

* * *

БЕРЛИН. Улуғ Октябрь социалистик революцияси тинчлик учун курашда янги давр бошланганлигидан дарак берди, деб ёзади ГДР халқаро сиёсат ва иқтисод институтининг органи «Ипв-Берихте» журнали. У инсониятнинг асрлар бўйи тинчликка интилиб келганлигини илк бор давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Ленинниинг тинчлик ҳақидаги декрети қабул қилинганидан кейин ўтган 70 йил, — дейилади мақолада, социализм ташқи сиёсатининг изчиллигига ёрқин далолат бўлиб хизмат қилади. Бу сиёсатнинг олий мақсади инсоният ҳаётида бутунлай ва ҳеч қачон уруш бўлмаслигини таъминлашдан иборатдир.

* * *

ПАРИЖ. «1917—1987: икки революция» — Франциядаги энг йирик газеталардан бири «Матен» ана шу сарлавҳа остида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган махсус иловаларни нашр эта бошлади. «Матен» газетасининг реакцион мақоласида шундай деб таъкидланади: газетамизда Совет Иттифоқига бағишланган туркум материалларнинг эълон қилиниши Францияда бу улуғ мамлакатнинг тарихи ва бугунги куни жуда катта қизиқиш уйғотаётганлигини акс эттиради. Октябрь революцияси тарихи билан, Советлар мамлакати етмиш йил ичида босиб ўтган асосий босқичлар билан ўқувчиларни таништириш, Совет Иттифоқининг бугунги ҳаёти, СССРда ҳозир содир бўлаётган муҳим ўзгаришлар тўғрисида ҳикоя қилиш бизнинг мақсадимиздир.

МУОЛАЖАСИ ЎТКИР ТАБИБ

НАЙРОБИ. Катику ва Мумонинг донғи бутун Кениягa тарқалган. Халқ уни «заҳарли илонлар профессори» деб ҳурмат қилади. У тажрибали илон тутувчи ва илон чаққанларни даволовчи моҳир табибдир. Ҳамқишлоқларининг айтишларича, 61 яшар Катику ва Мумо илон чақишдан қўрқмайди.

Катику ва Мумо бу ҳунар билан шуғулланиб келаётганига қарийб ярим аср бўлди. У илон чақишига фақат илон заҳаригина зидди заҳар бўлиши мумкинлигига қатъий ишонади. Уни неча бор илон чаққан: қўллари ва оёқларида илон тишининг излари — чандиқлар қолган. Аммо у тайёрлайдиган дорининг ўзи ҳамиша омон қолдирган. Халқ медицинасига ишонаман, дейди Катику.

Кўпгина деҳқонларнинг кулбаларида «профессор»нинг дорилари ўраб қўйилган оппоқ қоғоз тугунчаларни кўриш мумкин. Кения маъмурлари Катику ва Мумонинг хизматларини эътироф этиб, илон чаққанда расман даволашга рухсат этувчи махсус ёрлиқ берганлар.

РОБОТ-ФАРРОШ

Париж метросининг «Нотр-Дам» станцияси вестибюлидаги йўловчилар эрталаб одатдан ташқари механизмни кўриб, ҳайратда қолдилар. Бу механизм перрон бўйлаб ҳаракат қилар ва бепарво йўловчилар ташлаган ахлатларни мустақил супуриб оларди.

Шундай қилиб, Парижда пойтахт «ер ости йўли» станцияларини тозалаш учун мўлжалланган янги универсал робот-фаррош синовининг якуловчи босқичи бошланди.

Робот «кути» шаклида бўлиб, энн ва қалинлиги бир ярим метрга, баландлиги эса ярим метрга тенг. У ораталаш программасини синчиклаб тайёрловчи компьютер ёрдамида бошқарилади. Махсус ультратовуш қурилмаси роботга йўловчиларни йиғлаб ўтиш, ҳамиша тоза туриш ва ҳатто... эскалатордан юқорига кўтарилиш имконини беради.

«КУБА — МОДА — 87»

Мода ишқибозларининг диққат-эътибори ҳамиша Парижга қаратилган. Аммо яқин вақтдан бери модани тавсия этувчи мамлакатлар қаторига Куба ҳам пайдо бўлиб қолди. Бунга Гавана очилган «Куба-мода-87» Халқаро модалар салони далил бўла олади.

УЛАР БИРИНЧИ ЭДИ

НУРЛИ УМР ХОТИРАЛАРИ



Ойбек уй-музейида адибнинг умр йўлдоши, Беруний номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Зарифа Саидносирова (1908 — 1986) асарлари кўргазмаси намойиш этилмоқда. Ушбу кўргазмага ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан мусаввир З. Саидносированинг мойбўёқда ишланган 22 та асари қўйилган.

Баҳор қуёши майсаларнинг кўзини очиб, ранг-ранг гул-чечакларнинг барқ уриб яшнашига сабаб бўлгани каби, Улуғ Октябрь халқимиз орасидаги юзлаб истеъдодлар кўзини нурафшон этди. Ўша йиллари биринчи совет мактаби, биринчи техникум, биринчи рабфакларнинг ташкил этилди. Халқимиз ичидан биринчи совет педагоглари, олимлари, санъаткорлари етишиб чиқа бошладилар.

Қачонлардир улуғ Репиннинг сабоқларини олган рассом, санъатшунос, профессор Н. А. Розанов ҳам шу йилларн Тошкентда биринчи рассомлик студиясини ташкил этди. Тасвирий санъат сирларини ўрганиш мақсадида шу студияга кириб келган биринчи ўзбек аёли Зарифа Саидносирова бўлди. Дид билан европача қиёфага, истараликкина, ўн олти-ўн етти ёшлардаги бу қиз қунт билан мусаввирлик сирларини ўрганар, гоҳ устози Н. А. Розановдан, гоҳо студиядош дўсти Урол Тансиқбоевдан турли маслаҳатлар сўраб турар эди. 20-йилларнинг охирларига келиб унинг асарлари ҳам тасвирий санъат мухлисларининг эътиборига ҳавола этила бошланди. Ўша йиллари ташкил этилган кўргазмалардан Волков, Николаев, Тансиқбоевлар қаторида Зарифа Саидносированинг ҳам ишлари ўрин олганлиги чоп этилган каталогларда, матбуот саҳифаларида тез-тез кўринib қоларди.

Адабиётшунос олим Наим Каримовнинг «Ажойиб кишилар ҳаёти» серияси да чоп этилган «Ойбек» номли асарида Зарифа Саидносирова ҳақида жумладан шундай дейилади: «Туркистонда бадавлат оилада таваллуд топган ва ўз тенгдошларига нисбатан анчагина кенг маълумот олган бу қиз рус тилини яхши билар, адабиёт, мусиқа ва тасвирий санъатдан хабардор, шунинг учун ҳам даврининг энг илғор ва камёб ёшларидан бири эди. Ғарбда 20-йилларга оид газета ва журнал саҳифаларини варақлаб қолсангиз, унинг қаламга мансуб ҳикояларини, шунингдек уни биринчи ўзбек рассом қизи сифатида тавсиф этган мақолаларни учратишингиз мумкин».

Унинг қалбида адабиёт ва санъатга меҳр уйғотган биринчи муаллими Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий эди. Маълумки, Ҳамза бир неча ой Туркистонда Саидносир Миржалиловнинг уйида яшаган ва унинг бошқа қизлари қатори Зарифага ҳам муаллимлик қилган эди.

Қизнинг мурғак қалбида нафосатга бўлган севги у Тошкентдаги Навоий номидаги педагогика техникумида ўқиб юрган кезлари янада ривожланди. Унинг шеърлари, ҳикоялари дастлаб мазкур техникумнинг «Тонг юлдузи» деб аталувчи деворий газетасидан ўрин ола бошлади. Бу газетанинг муҳаррири ёш шоир Ойбек Зарифанинг асарларини алоҳида бир эътибор билан кўриб чиқар, унга қимматли маслаҳатлар берар эди. Унинг шеърлари Ойбек томонидан тузилган ўзбек шоираларининг биринчи тўплами «Эрк қуйларига» ҳам киритилди. Бу икки ёшнинг ўртасидаги ижодий мулоқотлар аста-секин муҳаббатга айланди ва кейинчалик Зарифа Саидносирова Ойбекнинг бир умрлик дўсти бўлиб қолди.

Мана Зарифа Саидносированинг Ойбек назарига тушган шеърларидан бири:

Қалбим бир бурчинн шеър забт этмиш,
Аммо у денгизлай чексиз, тўлқиндор.
Ёсзам-ёзмасамда, майли бахт эмиш
Қалбга эш бўлса у — сўнмас қуёш бор.
Осмон ойнасида парча оқ булут
Сирпашса севинib тошурмен бирдан.
Бу зўр муҳаббатки, бўлмайди юлиб,
Ташламоқ гуноҳдир, айрилмас дилдан.
Бир нур дуч келса гоҳ япроқлар узра,
Кўнглимда тошади севинч тўлқини.
Йиллар ўтар, аммо ўчмас хотира,
Кўнглимда у нурнинг сўнмас ёлқини.

Ойбек 1925 йилда техникумни битириб Ўрта Осиё Давлат университетининг ижтимоий фанлар факультетига ўқишга кирганн маълум. Мазкур техникумни Ойбекдан бир йил кейин битирган Зарифа Саидносировада тасвирий санъатдан кўра аниқ фанларга бўлган қизиқиш кучайдими, ёки икки севишган дилнинг бир-бирларига яқинроқ бўлиш туйғуси устун келдими, хуллас у ҳам САГУнинг химия факультетида ўзбек аёлларидан биринчи бўлиб таҳсил ола бошлади. Ҳали бу аёл ҳақида сўз борганда «биринчи» сўзини кўп ишлатамиз. Масалан: биринчи русча-ўзбекча химия луғат авторн, биринчи ўзбек тилида ёзилган анорганик химия дарслигининг муаллифи ва ҳоказо...

Ўз-ўзидан тасвирий санъатга ажратилган вақтлар кундан кунга, йилдан-йилга қисқара бошлади.

Илмий ва педагогик фаолият, ижодкор умр йўлдоши ва бири биридан шўх тўрт фарзанд унинг асосий вақтини, алоҳида эътиборини талаб этгани сабаб, З. Саидносирова, 30-йилларга келиб мўйқаламни қўлдан қўйишга мажбур бўлди. Уни қайта қўлга олганда эса, ўртада ярим асрлик танаффус юз берган эди...

1980 йилда Ойбек яшаган уйда адиб уй-музейи ташкил этилиши муносабати билан Зарифа опа бизга, яъни шу зиёратгоҳ хизматчиларига қимматли ёдгорликларни топшира бошлади. Муттасил бир неча ой бизнинг ёнимизда бўлиб, ҳар бир буюмнинг Ойбек билан боғлиқ бўлган тарихини айтиб турди. Биз бу ашёларни рўйхатга олар эканмиз, бу ҳонадонга Ойбек вафотидан кейин келтирилган буюмларни «Буларнинг Ойбекка алоқаси йўқ, экан» деб қайтарар эдик. Бир куни Зарифа опа зарҳал рамкага солинган катта суратни олиб чиқди. Мойбўёқ билан ишланган бу суратда Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбарасининг кўриниши акс этган эди.

— Билмадим, буни Ойбекка алоқадор экспонат деб ҳисоблайсизми ёки йўқми, ҳар ҳолда ҳамма вақт меҳмонхонамиз деворида осиғлиқ турар эди, — деди Зарифа опа ийманибгина. — Менинг биринчи асарим.

Бу сурат 1925 йилда чизилган.

— **Яна бошқа суратларингиз ҳам борми!**— деб сўраймиз ҳайрат ва ҳаяжон билан.

— Бир-иккитаси бор бўлса керак. Мана шу уйни қуриб олишимизга қадар шаҳарнинг етти жойида ижарада турганмиз. Муттасил кўчиб ўтишлар вақтида кўпгина асарларим йўқолиб кетган.

— **Зарифа опа, музей учун бир қанча суратларингизни тиклаб беришингиз шартга ўхшайди. Шу сабабли мўйқаламни яна қўлга олишингизни илтимос қиламиз.**

У ҳеч нарса демай, мийиғида кулиб қўйди. Биз ўшанда Зарифа опа сурат чизишдан кўра минг чандон зарур бўлган иш билан банд эканлигини, яъни Ойбекнинг 20 томлик асарлар тўпламининг сўнгги жилдлари устида иш олиб бораётганини яхши тушуниб етмаган эканмиз.

1983 йилга келиб Ойбекнинг бой адабий ва илмий меросини тўплаш борасидаги қоралама ишлар асосан ниҳоясига етди. Бир куни Дархондаги уйларига қандайдир иш билан борганимда Зарифа опа эшик очди ва иш кабинети томон бошлади. Хона ўртасига эскигина бир мольберт ўрнатилган. Унда ҳозиргина тугатилган бир сурат турарди. Деворга ҳам бир неча суратлар осилган.

— Биласизми, — деди Зарифа опа ҳорғин бир овоз билан, — кейинги вақтларда Ойбек акангизни кўп туш кўраяпман. У билан боғлиқ хотираларимни тез-тез эслаб турибман шу кунларда. Асосий ишларни тугатганимдан бери бир қандайдир бўшлиқ ичида юргандайман. Ишсиз яшай олмайман, шекилли. Мана бу студиядош дўстим Урол Тансиқбоевнинг мольберти. Вафотидан кейин менга топшириши васият қилган экан. Унинг рафиқаси Е. Тансиқбоева олиб келиб берди. Ҳозир ишдан келгач Ойбек ҳақидаги хотираларимни ёзаяпман. Бу чизаётган суратларимни ҳам мўйқаламда ёзилган хотиралар деб атаса бўлади. Чунки бу манзараларни Ойбек билан бирга саёҳатларда кузатганмиз, бирга ҳаяжонланганмиз.

Зарифа опа пиёлага чой қуйди-да, ўрнидан туриб деворлаги суратлар ёнига борди.

— Мана бу суратни «Ғуруб» деб атадим. Тўғримдан кейин Ойбек билан Қора денгиз соҳилида кузатгандик бу манзарани.

Зарифа опа Ойбекдан шеър ўқий бошлади:

«Тоғларда илинди қуёш этаги,
Оғочлар узоқда бир тўплам кўлка.
Денгизда порлаган ғуруб чечаги —
Сувларнинг қўйнида қизил машъала...»

— **Ойбек СССР Олий Советининг депутати сифатида сайловчилар билан учрашган Қорақалпоғистонга, Хоразмга кўп борар эди. Унн кузатиб юрганимда мана шундай катта ғилдиракли аравада юрган чолларни тез-тез кўриб турардим,** — деди Зарифа опа «Хивалик киши» деб аталган асарини кўрсатиб.

— **Мана бу «Тоғ манзараси» 1936 йилда Чимёнга чиққан кунларимизни ёдга солади, ёнидаги — Бухоро кўринишларн Ойбекнинг 1968 йилдаги сўнгги саёҳатидан хотира менга.**

...Мана, Зарифа опанинг мангу уйқуга кетганига ҳам бир йил тўлиб қолибди. Бу заҳматкаш, оқила аёл ўз сафдошн, устози Ойбек ёнига дафн этилди, унинг эзгу ниятларини рўёбга чиқариб борди. Ёруғ бу оламда Ойбекнинг ўнлаб нашр этилган китоблари, етук фарзандлари қолди. Зарифа опанинг ўз шогирдлари ҳам жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатларида, республикамизнинг деярли ҳар бир шаҳар ва қишлоқларида меҳнат қилишмоқда.

Уз меҳнати, иқтидори, юксак ғоявий эътиқоди туфайли нурли ҳаёт йўлини босиб ўтган бу икки улуғ инсон хотираси халқ қалбида, уларнинг издошлари ва шогирдлари қалбида доимо сақланиб қолди.

Уткир ЁРМУҲАМЕДОВ,
Ойбек уй-музейининг директори.

СУРАТДА: устоз Ойбек умр йўлдоши З. Саидносирова билан. Тошкент, 1929 йил. (Сурат музей архивидан олинди).

АНЪАНА БЎЛИБ ҚОЛАДИ

«ТашЭКС» ишлаб чиқариш бирлашмасида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб, маданий-спорт фестивали ўтказилди. Тошкент, Жамбул ва Кенткўприк шаҳарларидаги саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари шанба ва якшанба кунларини биргаликда ўтказиш ташаббусини бошлашди.

Бу сафар меҳмонларни тошкентликлар кутиб олишди. Голиклнов номидаги пионерлар лагерининг спорт майдонида уч шаҳар вакиллари спортнинг етти тури бўйича беллашдилар. Кентов шаҳрининг вакиллари лухта тайёргарликка эга эканликларини намойиш қилишди. Улар спортнинг беш тури бўйича ғолиб чиқишди. Тошкентликлар эса икки турда ғалаба нашидасини суришди.

Мезбонлар ва меҳмонлар айни пайтда бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг концертларини ҳам ташкил қилишди. Беллашув ва концертлар ўзаро ҳамкорликни ва дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам берди. Шу боисдан маданий-спорт фестивалларини ҳар йили ўтказиб туришга қарор қилинди.

У. АБДУҚОДИРОВА.



Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади!

Юсуфжон қизиқ ШАКАРЖОНОВ.

САЛОМИГА ЯРАША АЛИК

Бир бола апельсин олиш учун магазинга кирди:

— Менга беш рупиялик апельсин беринг, — дея мурожаат қилди у.

Сотувчи апельсинни тортиб берди.

— Бунингиз оз-ку,— деди бола.

— Оз бўлса яхши-да. Кўтариб кетишинг осон бўлади, —насиҳат қилди сотувчи.

— Яхши, —деди бола ва унга тўрт рупия узатди.

— Пулинг кам-ку.

— Кам бўлса яхши-да... Санашингиз осон бўлади, — жавоб берди бола.

Инглизчадан А. ХОЛЛИЕВ таржимаси.

СУЮНЧИ

Ассалому алайкум, «Тошкент оқшоми»нинг «Кулгихона» мезбонлари! Ним кулги, лим-лим кулги ва қаҳқаҳаларингизни ўқиб тилимизни шапиллатиб роса мазасини шимяпмиз. Вей, шунинг таъсирида «Бор, барака!» деб биз ҳам «Кулгибоз», янийким Кулги бозорини ташкиллаштирвордик. Маконимиз Бувайданинг «Авангард» газетасида. Ҳа, отангизга раҳмат, ўша Фарғонанинг одамлари «ўқимни беринг» деб гапирадиган Бувайдаси. Ҳозир бозоримиз қизғин. Дарвозасининг тагида изборчи оғзини ўн биринчи калишдай очганча «Ҳов, валақапид, эшакни ушла!» деб ҳайқиргани-ҳайқирган.

Энди, шу гапнинг индаллоси, бозоримиз маҳсулотидан мухлисларингизга бир дўппи-бир дўппи совға қилмоқчи эдик. Ёмаса, ўзимизга қайтиб бериш, деб қуюқ

Салом билан, Кулгибоз.

«Кулгихона»миз даврасида «Кулгибоз»нинг материалларидан баъзи намуналар ёритдик.

«НОЛЬ»НИНГ ҚУДРАТИ

Тўраевнинг жияни «ноль»га ўхшайди. Якка ўзи ҳеч нарса эмас—йўқ. Лекин олдида тоғалари қанча кўп қаторлашаверса, шунча қиймати ошаверади.

ЕШ БОШЛИҚЛАРГА ТАВСИЯЛАР

Доимо (ҳатто кўрпага кирганда ҳам) галстук тақиб юринг, мажлисга чақириб қолишлари мумкин.

Ходимларингизни бир-бирига қоровул қилиб қўйинг.

М. СОДИҚ.

БОШИ БОҒЛИҚ

— Нега Лола опамнинг Боши боғлиқ дединг?

Соппа-соғ юрувди-ку.

Ҳозир кўрган эдингми?

Мирза АБДУЛЛА.

УГИТ

— Сен, ўғлим, одамга ўхшаб яшайман десанг, магазинчи бўл. Магазинчи бўлгандаям, гурунч-пурунч сотадиганида ишламагин. Ҳов, анаву бор-у, ҳалиги, темир панжарали магазин. Ҳа ўлма, арақ-парақ, вино-пино сотадиганига мудир бўл. Ҳар ҳолда панжара ортида ўтириб савдо қилсанг, у ёққа борганда қийналмайсан. Чиниқиб қоласан-да, чиниқиб!

З. НЕЪМАТОВ.

Насрий масаллар

БАЛОГАРДОН

Ёмғир ёғди. У —тўсди. Қор ёғди. У —тўсди. Офтоб куйдирмоқчи бўлди. У яна тўсди.

Шу боис инсон соябонни бош устига кўтарди.

ТИРСАКЛАР

— Қани, мундайроқ турингларр! Сал силжинглар! Йўлни бўшатинглар!..

Тирсаклар бошқаларни орқага суриб, ўзларн олдинга ўтаётган эдилар.

МАКР

— Кел, бнродарн азиз, анчадан бери кўришмадик, бир қучоқлашайлик! —деди Илон Қуёнга. Қуён бу макр қучоғидан қайтиб чиқмади.

ЭЛАК

Кепак ҳам дон қаторн турарди.

— Бунақаси кетмайди,—деб бошини сарак-сарак қилиб саралашга тушдн Элак.

— Дон-донга қўшилди, кепак-кепакка.

МИННАТДОРЛИК

— Сен аслида бизнинг тонфадансан-ку, нега одамга эргашасан! — деб сўрадн Бўри Итдан.

— У менга нон берди, — деди Ит.

МАДАД

Мато қалинлик қилиб Игна қийналиб қолди. Ангишвона бир ҳммо қилган эдн, ишлар юришиб кетдн.

ТИРИКЧИЛИК

— Бўйнинг бунчалик узун бўлиб кетишига сабаб нима! деб сўрашдн Жирафадан.

— Қорнм, — деб жавоб қилдн у.

КЎРГИЛИК

— Эй, дарахт, сенга нима бўлдн!— деб сўрашдн қурнган дарахтдан.

— Ўз нчимдаги қуртлар бошимга бало бўлдн, — деб жавоб қилдн у.

НАДОМАТ

— Қишин-ёзин навқиронману, лекин тирноқдай мевага зорман, — деб афсус чекарди кўм-кўк Арча.

Унинг дардн оғнр эдн.

ДЎППИ ТОР КЕЛГАНДА...

—Ассалому алайкум, олампаноҳ, —дедн Мушук Йўлбарснинг олдига бориб. —Мен сизнинг қариндошингиз бўламан.

— Менинг бунақа ялтоқланадиган қариндошим йўқ,— деб нарн бурилиб кетдн Йўлбарс.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Антиқа фикрлар

«Ашур пешона тери билан дастурхон ёзди, ҳаммамизнинг ҳам бошимиз тўйдан чиқмасин...»

[Тўйхонадаги гап].

...Давранн қизитишга бир тўда санъаткорлар ташриф буюришган, навбатдаги сўзимизни уларга берамиз...»

[Базмдаги сўздан].

«...Ёмон бола ўз бошини ейди, қўявер».

[Тошбағир ота гапи].

«...Қўйган қўлингиз бирам чиройли, «директорский» экан...»

[Кассир сўзидан].

«...Оғзингга қараб гапир, қуруқ...»

[Қўрқоқнинг пўписаси].

«...Чанг куйларидан тингланг...»

[Радио эшиттиришидан].

«...Навбатим ҳув, катак кўйлакдан кейин, мен ҳозир келаман...»

[Бир одамнинг тушунтириши].

«...—«Маска»дан 1 кило, «Қорақум»дан ярим кило тортиб беринг...»

— «Зарафшон»нингиз неча пул турадн?

[Озиқ-овқат магазинидаги гаплардан].

Анвар МИРЗАЕВ.

Аския

ҚОВОҚ—ҚОВУН

АБДУРАИМ. — Тунов куни пайкал четида кўриб қолдим. Нимадир экаётган экансиз. Нима бу, деб сўрасам, «ойим қовоқ» дединг. Тинчликми?

МАТХОЛИҚ. — Э, нима қиласиз ёлғон гапириб! Унақа деганим йўқ. Бу «картошка қовоқ» дедим.

БОБОҚУЛ. — Матхолиқни мен ҳам кўргандим. Дўконни ташлаб нима қилиб юрибсиз десам, базадан мол бермаётганини айтди. Мен мудирга тайинлаб қўяман, «даст мол, қовоқ» дедим.

АБДУРАИМ. — Базадан мол бермай тўғри қилишади. Чунки мол берса, қилади-да «сув, қовоқ».

БОБОҚУЛ. Матҳолик ака, нимага жавоб бермайсиз? Бу ерда аския кетяпти-ю, сизнинг оғзингизда «нос, қовоқ».

АБДУРАИМ. — Оғзингиздаги носми ё «ас, қовоқ»?

МАТХОЛИҚ. — Роса лақилладиларинг-а! Мен индамай турдим. Биламан, бировнинг ташвиши сизлар учун «томоша, қовоқ!»

БОБОҚУЛ. — Мана энди тилга кириб сайрадилар, бамисоли «бедана, қовоқ».

АБДУРАИМ. —«Қовоқ, қовоқ» дедигу, лекин Матхолиқ аканинг экканлари қовоқ эмас, қовун эди.

Ориф ФАРМОН.

Корректор дафтаридан

Ҳиммматбаҳо туфли.

* * *

Дори-армон.

* * *

Ўйиғ етмаган қиз.

* * *

Бош яланглар.

* * *

Халта соч.

* * *

Тузсиз сурат.

* * *

Вакиллашиб ўтиришди.

* * *

Ўғил ўйлантириш.

* * *

Ари хотин.

* * *

Асталик.

* * *

Илмий ҳаражат.

* * *

Ғала ҳовли.

Абдумалик ИСОМИДДИНОВ.



ЦИРК. Р. Шарипов фотоэтюди.

Бир қайнови ичида...

⊙ Ҳам зам, ҳам ответ бўлиш қийин экан...

[Ходимлар фикридан].

⊙ Учрамаган фактни учрамади дейди-да!

⊙ Тили йўқ ёзувчи, ёзувчи эмас.

⊙ Адабиётда тил бору, публицистикада йўқми?

[Тилчилар баҳсидан].

⊙ Сўнгги сўз дипломантга.

[Ҳимоядаги эълондан].

⊙ Узим архивдан чиққанман.

[Таржимон ҳолдан].

⊙ Индолмайман... Тилимни кесиб чўтагимга солиб қўйганман.

[Келиннинг шикоятидан].

⊙ Ун сўмни еганн келдим.

[Ўтиришдаги гапдан].

⊙ Лепёшка-нон борми?

[Харидор саволидан].

⊙ Яқинда мени «дум»ли машинага ўтказишди.

[Шофёрнинг сўзидан].

Ҳабиба МАНСУРОВА.

Хандалар

— Қандай ажойиб итинг бор-а!

— Ҳа, бу полиция ити.

— Кўринишдан ўхшамайдику?

— Махфий полицияда хизмат қилади-да.

* * *

— Петер, сенга неча марта айтдим, тарбиясиз болалар билан ўйнамагин деб! Нима учун одобли болалар билан ўйнамайсан-а?

— Уларнинг ота-оналари мен билан ўйнатмайди-да.

* * *

— Хўш, азизим, — деди қамоқхона ходими янги келган маҳбусдан, — сени бўёққа арақ етакладими?

— Йўқ, сут, — жавоб берди маҳбус.

— Ие, қанақасига?

— Сутчилик фермаси бошлиғи эдим-да.

Фаёз ҒАФУРОВ тўплаган.

Салай чаққон латифалари

ИШОНМАЙМАН

Қозн ҳар бир даъвогарни: «Қўлинг билан тутиб, кўзинг билан кўрмаган экансан, ундай даъвога шариат ишонмайди», деб ҳайдаб чиқаркан. Салай чаққон ҳам эшагини ўғри урганда, шундай қувилган экан.

Бир куни Бавдун деган кишн Салай устидан дод-вой солиб қозига борибдн:

— Манавн даҳрий, «дўзах, ҳам, худо ҳам йўқ» деди!

Қозн қаҳрланиб, Салайни сўроққа тутибдн:

— Ростдан шундай деднгми!

— Ҳа, тақсир, — жавоб берибдн Салай, — мен кўзим билан кўриб, қўлим билан тутмаган нарсаларга мутлақо ишонмайман.

Қозн мнқ этолмай қолибдн.

СЕН ПОЙЛА

Салай бир сўфи билан от мннib далада борншаркан. Салайнинг отн қарн, қоп-қора, сўфининкн эса, оқ, бўз от экан, Улар далада тунаб қолишибдн. Сўфи ётаркан, дебдн:

—Салай, бу ерда ўғрн кўп, отларнн сен пойлайсан.

— Йўқ, пойламайман, меннинг отим қора. Уни кечаси ўғрн кўрмайдн. Сенинн оқ — узоқдан ҳам мана ман деб турадн, — дебдн Салай.

— Унда, кел, отларимизни алмаштирамиз.

Салай отнни алмаштирибдн-да, сўфига дебдн:

— Эндн отларни сен пойла.

— Нимага эндн мен пойларканман! — ҳайрон бўлибдн сўфи.

— Сенинг отинг қора, қоронғида кўролмайсан. Ўғрн олиб кетадимм, бўри ейдими, билмайсан. Меникн, оқ, узоқдан бемалол кўркнинб турадн, — дея Салай уйқуга кетибдн.

Отларнн сўфи пойлаб чиқибдн.

Уйғурчадан таржима.

Тўқсон тўққиз гаплар

«Кеча кутубхонага «Дон Кихот» келибди».

[Китобхонлар гапидан].

«Вой, касалим деразадан ташлаб қочиб кетибди!»

[Врачнинг гапи].

Файзулла ИСМОИЛОВ, шаҳардаги 236-мактаб ўқувчнси.

ТУЯ

Ҳангома

Чигитлар ердан бош кўтариб икки қулоқ бўлган палла. Бепоён чўзилиб кетган эгатларда тартиби билан тизилиб бўй кўрсатаётган кўчатларни кўриб бригадир Баннопнинг хурсандчилиги ҳеч қаёққа сиғмайди. У карта оралайди. Не кўз билан кўрсинки, ҳў-ўв, машина теримига мослаб квадрат уялаб экилган карта ўртасида Мухторнинг туяси ҳайкалдек қотиб турибди. Банноп унга яқинроқ борди. Туя пинагини бузмай у ёқ-бу ёққа салмоғида бўйин ташлаб виқор билан ўрмалаб ҳам қўярди.

Туянинг туёқлари тагида эзилиб ётган кўчатларни кўриб бригадирнинг бутун вужудидан совуқ тер чиқди. Туяга қараб бақирди:

— Чў-ў-ў, қимирлама ҳаром ўлгур!!

Туя очликданми ёки ғаши келиб турганлигиданми, ҳар қалай Баннопга қараб икки қадам ташлаган эди, у қути ўчиб орқаси билан қоча бошлади. Туя тобора бригадир томонга қараб илдам ўрмалай бошлади. Банноп сичқоннинг инини минг тангага ижара қилмоқчи бўлиб, тезроқ кети билан судралди-ю, ўзини бир зумда чигит ивитиладиган ҳовуз ичида кўрди. Туя мақсадига эриша олмаганлигиданми, ҳовуз бўйига келиб: «Ҳолинг шунчалик экан-ку, агар ҳовуз бўлмасдан, терак учида бўғланингда бўғизлаб олардим», дегандай Баннопга тикилиб қаради-да, чуқур пишиллаб нафас олди.

Банноп ҳовуз ичида дод солди:

— Ҳў-ў, Мухтор! Мухто-о-ор! Туянгни о-ол! Кўчатлар пайҳон бўлди!

Туя бу ноҳуш бақиришдан қўрқди шекилли, яна олдинги жойига бориб тураверди. Пайҳон бўлаётган кўчатларни кўриб Баннопнинг қовурғалари қайишди — тобора дод солди: —Мухто-о-р! Милтиқни олиб кел, туянг кўчатларни боплапди!

Бригадирнинг овозини эшитган Мухтор зудлик билан қўшотарни олиб келди. Бригадир Мухторга заҳар соча бошлади:

— Э, ўша туя гўшти еган... Нега қўрғондан чиқардинг?

— Э, бурундиқни узиб чиқибди, ака, — деди Мухтор изо тортиб.

— Қанақа қилиб олиб чиқамиз. Ҳайдасак, кўчатлар яна пайҳон бўлади.

— Ҳозир маст бўлган пайти, бу ҳаром ўлгурни,— деди Мухтор ва яна қўшимча қилиб қўйди: — Мен бориб, секин алдаб ҳайдаб чиқаман.

— Э, аҳмоқ, уни ўрнидан қимирлатма, Яна пайҳон қилмасин! — деди Банноп ва қўлидаги қўшотарни туянинг кўкрагига мўлжаллади. Туя «гу-ум» ағдарилди.

Ўн азамат отилган махлуқни туя-туя қилишиб эгатдан судрашиб чиқди.

Баннопнинг фикрича, агар туяни отиб олиб чиқилмаганида кўп кўчатлар янада нобуд бўлар экан.

Ҳайдарали УЗОҚОВ.

Рассом табассуми



— Ие ҳашарчи ука, бу нима қилганингиз?

— Бор-йўғи бир ойлик меҳмонмиз, энди тоза ҳавода дам олайлик дединда.

— Раисимиз йўқлар, терим қандай кетяпти, дейсизми? Жуда яхши, ҳамма далада, теряпмиз.

— Мамарайим, шу гавданг билан ўн икки кило пахта тергани уялмадингми?!

— Нима қилай, янги нав пахтангизнинг бўйи паст бўлса.

Ш. Субхонов расмлари.

ДОНОЛАР КИТОБИДАН

⊙ Ёқимли сўзланг, лекин бировни алдаманг.
⊙ Ҳаётда синалмаган нарсаларга ҳеч ишонманг.
⊙ Кўпчилик гамбода-аламзада бўлиб турганда, сиз кулиб хурсандчилик қилманг.
⊙ Оқиллик хислатингиз бўлса, ҳамма ерда қўлингиз ва тилингизга ихтиёр берманг.
⊙ Илмли ва донолик фазилатларингизни ҳаммага кўз-кўз этиб, такаббурлик қилманг.
⊙ Қобилият ва иқтидорингиз кучли эканини пеш қилиб мақтанманг, олам яралгандан бери не-не зукко алломалар ўтганини эсда тутинг.
⊙ Ҳаромдан қўрқмаган кимсага яқин юрманг, ундан ҳазар қилинг.
⊙ Оталик бурчи юзасидан қўл остингизда ишлайдиган одамларга марҳаматли бўлинг, ҳар қайсисига ҳар хил кўз билан қараманг.
⊙ Ҳеч кимни ғийбат қилманг, ғийбатчилар даврасига тушиб қолсангиз, кейин бу даврага бир умр қайтиб кирманг.
⊙ Меҳмонга борганда катта-кичикка ҳар хил фармон-буйруқлар беришга одатланманг.
⊙ Ораларидан доим «ит-мушук» ўтиб турадиган вайсақи хотин ва нодон эр жанжалига ҳеч қачон аралашманг.
⊙ Қариндош-уруғингизни, дилга яқин кишиларингизни ранжитиб қўйманг, ҳалоллик йўлида уларга ёрдам қилинг.
⊙ Тўғри сўзли, пок юракли, вафоли дўстлардан кўнгил узманг. Мансабингиз, тўкин дастурхонингиз, фақат ёрдамингизга ошифта бўлиб юрадиган чироқ парвонаси сингари дўстлардан воз кечинг.
⊙ Уч нарсани ҳеч қачон унутманг: 1. Хурсандчиликдан кейин келадиган — ғамгинликни; 2. Ичкилик кайфидан кейинги азоб-рутубатни; 3. Сиҳат-саломатликдан кейинги хасталикни.
⊙ Ҳаёт сабоғини қанча кўп ўргансангиз ҳам, ҳали-ҳамон томчича нарса билмадим деб фараз қилинг, зеро сув нима экани сирини ҳали ҳеч ким ҳал қилган эмас.

Тўлқин РАСУЛЕВ тайёрлаган.



«Арслон — менинг дўстим». Р. Шарипов фотоэтюди.

Илмий лабораторияларда

АЙНИЙ БАҲОСИНИ ОЛГАН ШОИР

«Саҳбо девон соҳибидир. Янгилик, инқилоб ва ҳақгўйликнинг қурбони бўлган бу нуроний кексанинг номини тиклаш, девонини топиб нашр қилиш, таржиман ҳолини тирилтириш инқилобнинг зарурий вазифаларн жумласидандир». [Садриддин Айний. «Эсдаликлар». Асарлар. 6-том, «Тошкент» нашрнёти, 1965 йил].

С. Айнийнинг юқори баҳосини олган Саҳбо ким! Унинг «Девон»ни топилиб, таржимаи ҳоли аниқландими! Қуйида жамоатчи мухбиримизнинг филология фанлари кандидати Ҳалима Мухторова билан қилган суҳбати ана шу масалаларни ёритишга қаратилган.

— Ўзбек адабиёти тарихида Бухоро адабий муҳити ўзининг илғор анъаналари, бадиий ижсак асарлари билан ўзига хос характерга эга. Бу адабий муҳитда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Мирза Азим Сомий Бўстоний, Шоҳин, Аҳмад Дониш каби ижодкорлар етишиб чиқди. Улар даврнинг муҳим масалаларини акс эттирувчи, замоннинг камчиликларини ҳажв этувчи асарлар яратдилар. Шу даврда яшаб ўзбек ва тожик тилларида ижод этган, замонасининг забардаст шоирларидан бири Мирзо Ҳайит Саҳбо эди.

— Саҳбо ижоди ҳақидаги дастлабки маълумотлар ўз замондошларининг турли тазкираларида учрайди.

— СССР Фанлар академияси Ленинграддаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида, шоирнинг замондоши Афзали Пирмастийнинг 1645 тартиб рақами билан тазкираси сақланмоқда. Тазкирада Саҳбо ҳақида қуйидаги маълумотларни учратдик: **«...У шундай мард кишики, ниҳоятда донишманд, ўта хушмуомала, олийҳиммат, юқори марҳаматли, парҳизкор, ниҳоятда тетик, ақлли, шеършунослик ва байтшуносликда тенги йўқ, табиати улуғ, зеҳни ўткир, шеърлари бениҳоят гўзал, сўзлари фасоҳатли, унинг ғазалиётида девони мукаммал ва унинг барча асарлари оммага мақбул ва машҳур...**

Шеър:
Менинг нигорим рухсорининг
акси сувга тушса,
Гулу-гулшан тамошосини
сувда қилиш мумкин...

Шунингдек, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Шарқ қўлёзмалари фондида 1943 рақами билан сақланаётган шоир ва тарихчи Сомийнинг «Мирзотул хаёл» асарида Саҳбо ҳақида икки ўринда маълумотлар учрайди. Биринчи маълумот, прозада берилган бўлиб, Афзали Пирмастийнинг тазкирасидаги маълумотларга айнан ўхшашдир. Иккинчисида шеърий йўл билан қуйидаги маълумотлар келтирилади:

...Чиройли сўзлаш унинг
қаламига мансуб,
Балоғат диёри унинг мулки
бўлиб қолди.
Унинг қаламидан гавҳарлар
мавжланиб турибди,
Чашмага ўхшаб сафо домн
тўкилиб туради...
Чиройли баёну малоҳат
нишон,
Қатъий фикрли зукко инсон...

— Атоқли олим ва ёзувчи Садриддин Айнийнинг 1926 йилда нашр қилинган «Намунан адабиёти тожик» китобидан, «Эсдаликлар» мемуар характеридаги асаридан, шунингдек Саҳбонинг неварасидан сиз ёзиб олган хотиралар шунга гувоҳлик берадики, шоир жуда кўп оғир кунларни бошдан кечирган... Шоир девонидаги кўпгина шеърларнинг тематикаси ва мазмунидан ҳам шундай фикрлар англашилади. Умуман, Саҳбонинг таржиман ҳоли ҳақида ҳам қисқача тўхталсак.

— Саҳбо тахминан 1845 — 1846 йилларда Бухоро областининг Вобкент райони территориясида дунёга келган. Амир саройида турли лавозимларда — эшик оғаси, шаҳар ариғига мироб, миршаблар бошлиғи бўлиб ишлайди, халққа кўп марҳамат кўрсатади. Деҳқонларнинг ҳурматига сазовор бўлади. Шу даврларда у Навоий, Жомий, Бедил каби Шарқ классикларининг асарларини мутолаа қилади, ўзи ҳам мустақил шеърлар ёзади. Саройда анча обрў-эътиборга сазовор бўлади. Бироқ, тахтни амир Олимхон эгаллагач, амир юргизаётган сиёсат унга ёқмайди. У борган сари саройдан узоқлашади. Натижада, унинг асарларида амир зулмига, унинг истибдодига қарши ғазаб, нафратли фикрлар кўпроқ ўз аксини топади. У амалдорлар, ҳукмронларнинг қаттиқўлигини очиқ-ойдин айтган, уларни танқид қилган ўтқирақ инсон бўлган.

Саҳбо ўз замонасининг илғор фикрли кишиси сифатида давр воқеа-ҳодисаларидан четда турмаган. Айниқса, 1910 йиллардан кейинги Россиядаги сиёсий воқеалар, 1917 йил февраль буржуа революцияси шоир дунёқарашини ўзгартирибгина юборади. У газета ва журналларни ўқиб, атрофдаги воқеалардан хабардор бўлиб туради. Бухородаги илғор фикрли маърифатпарварлар билан алоқада бўлади. Саҳбонинг уйида стол, стуллар бўлган, лаппак (шляпа) кийган руслар келиб туришган. Буларнинг барчаси амир ва унинг ҳомийларига ёқмас эди, албатта. Шунинг учун амир фурсат пойлаб Саҳбони йўқотиш пайига тушади. Уни дастлаб уй қамоғига ҳукм қилади, сўнгра арвка қамайди. Ниҳоят, 1918 йилда Қабодиён қалъасига юбориб, ўша ерда қатл эттиради.

— Манбаларда таъкидланишича, хусусан С. Айнийнинг хотираларида 1980 йили Душанбеда нашр этилган «Гулшани адаб» китобининг 5-томида «Шоирнинг шеърлар девони бордир, лекин ҳалигача топилмаган», деган ёзувларни учратамиз. Энди эса қўлимизда Саҳбо девонининг ҳозиргача мавжуд бўлган ягона нусхаси турибди. Девонни аста варақлаймиз. Араб алифбосида чиройли ҳуснихат билан ёзилган шеърларга кўзимиз тушади. Айрим саҳифалар бўш қолдирилган. Эҳтимол, кейинчалик шоир бу бетларни янги ва бақувват асарлар билан тўлдирмоқчи бўлгандир! Балки, шоир мавжуд шеърларни «Девон»га киритишни лозим топмагандир! Лекин, бир нарса аниқ: ниҳоят, девон топилди. Келинг, яхшиси «Девон»нинг топилиш тарихи ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз.

— Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг ходимлари археографик экспедициялардан бирида, 1980 йили Бухоро шаҳридан Саҳбонинг мукаммал девонини топдилар. Ҳозирда бу девон институтнинг қўлёзмалар фондида 1982 тартиб рақамида сақланмоқда.

Девон Саҳбонинг ўз қўли билан кўчирилган (автограф) нусха бўлиб, 1 ва 5-бетларида шоирнинг шахсий муҳри босилган. Муҳрда Мирзо 1328 (1910) йил деб ёзилган. Девон настаълиқ хатининг ярим шикаста формасида ёзилган бўлиб, 263 саҳифадан иборат. Унга 550 дан ортиқ тожик ва ўзбек тилларида ёзилган асарлар киритилган, жами 13 минг мисрадан иборат. Шундан 61 асар ўзбек тилида ёзилган: 18 ғазал, 3 мусаддас, 40 мухаммас — 1876 мисрани ўз ичига олади.

— Келажакда Саҳбо девонининг бошқа нусхаларн ҳамда айрим баёзларда унинг янги асарлари топилиши мумкин. Лекин қўлимиздаги мавжуд ягона шоир девонининг ўзи ҳам Саҳбо ижоди ҳақида фикр билдиришга асос бўла олади. Чунки, Саҳбонинг бир қатор ғазаллари реал шароит билан боғланган кечинмаларнинг конкрет ифодаси сифатида юзага келган. Бинобарин, ишқ ва у билан боғлиқ кечинмалар тасвири, шунингдек, ўз аҳволидан шикоят, жамият носозликларидан норозилик, ҳукмрон табақага хос тубан хусусиятларни қоралаш, олижаноб хислатларни улуғлаш каби ўша давр адабиётининг муҳим факторлари, Саҳбо ғазалларининг ҳам асосий мавзуни ташкил этади. Шундай эмасми!

— Ҳақиқатан ҳам, Саҳбо девонининг тематикаси анча бой. Саҳбо лирик ғазалларида инсоний ҳис-туйғуларни, юксак фазилатларни улуғлайди. Шоир ишқни, ошиқлик майлларини куйлаш билан кишилар қалбида ҳаётга, инсонга муҳаббат, вафодорлик, дўстлик каби олижаноб туйғуларни тарбиялашни, кишилар ўртасида доимо дўстлик ва ўзаро ҳамкорликни қарор топтиришни орзу қилади. Унинг лирик қаҳрамони ҳаётнинг ошиғидир. Шунинг учун ҳам шоир лирикасидаги фикрлар ҳаётий асосга эгадир.

Девондан ижтимоий-фалсафий фикрлар ифодаланган ғазаллар ҳам ўрин олган.

Шоир ҳар икки тилда ҳам бир хил маҳорат билан асарлар ярата олган.

— Демак, Саҳбо XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи чорагида Бухоро адабий муҳитида яшаб ижод этган, замонасининг билимдон, фозил ва истеъдодли шоиридир. Унинг мазкур девонини чуқур ва атрофлича ўрганиш, илмий истифода этиш, бошқа асарларини излаб топиш келажакнинг вазифасидир.

Суҳбатни Баҳодир ВАЛИЕВ олиб борди.

Спорт

ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИДА ҚАТНАШИШАДИ

Акмал Икромов номидаги маданият ва истироҳат боғида меҳнат байрами ташкил этилди. Байрам қатнашчилари шахмат бўйича ҳам беллашдилар.

Бу беллашувларда райондаги барча турар жой участкаларининг вакиллари иштирок этишди. Қизиқарли ўтган мусобақаларни жуда кўп ишчилар, хизматчилар, ўқувчилар томоша қилишди. Энг яхши тайёргарликка эга бўлган 56-турар жой участкасининг вакили Маъруф Маҳаматов турнир ғолиби бўлди. Актур Казиев, Асадулла Юнусов, Павел Леоненколар ҳам ўз турар жой участкаларн шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Улар совриндорлар сафидан жой олишиб, Тошкент шаҳри биринчилигида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Улуғ Октябрь 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган бу шахмат турнири жуда кўп қатнашчиларга маҳоратини синовдан ўтказиш имконини берди. Энг асосийси, улар дўстлар орттиришди. Шахмат бўйича бундан буён ҳам тез-тез беллашиб туришга аҳд қилишди.

Т. МАҲМУДХЎЖАЕВ.

ФАХРЛИ ЎРИН

«Текстильшчик» стадионида шаҳар спартакнадасида городки бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Мусобақаларда шаҳардаги районлардан ташкил топган саккизта команда иштирок этди. Қизиқарли ўтган бу мусобақада биринчи ўрин Ҳамза район вакилларига насиб қилди. Иккинчи ўринни эса Фрунзе райони шарафини ҳимоя қилган «Текстильшчик» командаси эгалади. Республика терма командасига номзодлардан бўлган «Текстильшчик» кучли спортчиларидан ташкил топган Чилонзор ва Ленин районлари командаларини ортда қолдиришди. Команда ғалабасига спортчилардан Виджат Курсатов, спорт мастерларидан Николай Харитонов, Николай Гапонов, спорт мастерлигига кандидатлар О. Будников, Р. Милькис ва С. Тришинлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ҳозир «Текстильшчик» область касаба союзлари ташкил этган спартакиадага тайёргарлик кўрмоқда.

Б. ОРИПОВ.

КАПЧА БОШ ИЛОН

Ҳайвонот оламида

Капча бош илонни кобра, кўзойнакли илон каби номлар билан аташади. Шу илон ҳақида мутахассис маълумотини берсангиз.

Ҳ. Бурхонов,
студент.

Капча бош илоннинг асл ватани жанубий-шарқий Осиё ва Африка ҳисобланади. Кўзойнакли илонлар (кобралар) уруғидан бўлган бу илон Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда тарқалган бир-бир турдир. Капча деган ном эса капча (лопатка) белкурак сўзларидан олинган бўлиб, илон тик бўлганда кўпинча капчага ўхшаб кетади. Фанда уни кўпинча кобра илон дейилади.

Илонларга «кобра» деган ном португаллар томонидан ўтган асрда берилган. Колонист португаллар Шри Ланкадан топилган шу турга мансуб бўлган илонни «кобра де капело», яъни «телпакли илон» деб аташган. Кейинчалик эса бу ном қисқартирилиб «кобра» дейилган. Улар учун янги исм ўйлашнинг ҳожати йўқ эди. Чунки Африкада тарқалган илон турлари қадимги мисрликлар тарихидан маълум эди.

Кўзойнакли илонлар ёки кобралар ўз ичига 12 та тур ва бир неча кенжа турларини бирлаштириб Жанубий-Шарқий Осиё, Зонд ва Филиппин оролларидан тортиб Африкагача (Мадакаскардан ташқари) кенг тарқалган. (Мадакаскар оролида умуман ҳеч қандай заҳарли илон учрамайди).

Маълумки, бир тур иккинчисидан ўзининг баъзи морфологик белгилари ва ранглари билан ажралади. Айниқса ҳинд кўзойнакли илонининг гарданида кўзойнакка ўхшаш нақш (доғи) бўлади, шунинг учун улар кўзойнакли илон деб аталади. Бу илонларнинг заҳари тиши жуда қисқа — атиги 3-4 миллиметр, жағли чиққанда танасининг олдинги қисмини юқори кўтариб, бўйинининг бир неча қовурғасини керади, шунда бўйни ниҳоят даражада кенгайиб ясси (ялпоқ) шаклга киради, илон вишиллайди, то ғазини кетгунча бошини у ёқ-бу ёққа секингина тебратиб туради. Шунингдек, бу уруғнинг Жанубий-Шарқий Осиёда учрайдиган королевская кобра, Африкада эса гарданбандли, қорабўйинли деган турлари мутахассисларга маълумдир. Айниқса, кейинги икки тури чақишдан ташқари 2 метр масофагача заҳар «отади».

Республикамизда учрайдиган капча илони кўзойнакли илонлар уруғига кирса-да, гардани да доғи, яъни «кўзойнаги» йўқ, шуниси билан улардан фарқ қилади. У газабланганда гавдасининг олдинги қисмини кескайиб юқорига кўтаради, бўйин томонидаги саккизта олдинги қобиргаларининг пастки учини ён томонга ёйиб юбориши туфайли бўйнини шишириб душманга ҳурпаяди. Бу ҳолда худди бошига телпак кийганга ёки қалқон тутганга ўхшайди. Шунинг учун португаллар бу илонга «телпакли» илонлар деб ном берганлар. Асли уларни қалқонли илонлар дейилса тўғри бўлар эди.

Шунингдек, бу илонни айниқса Сурхондарё ва бошқа баъзи жойларда қошиқбош илон, кўзойнакли илон ҳам дейишади. Капча бош илон Ўрта Осиёда Тожикистон, Туркманистон ССРнинг жанубий районларида, Сурхондарёда, айниқса Боботоғ, Ҳисор, Зарафшон, Қарши чўллари ва Нурота тоғ этакларида учрайди. У тоғ-тошларнинг оралариди кемирувчиларнинг инларидан фойдаланиб, ўша жойларда қишлайди.

Капча бош илонлар қурбақа, калтакесаклар, ҳатто илонлар, майда тошбақа болалари билан озиқланади. Айниқса унинг меъдасидан тошбақа, заҳарли илонлардан чарх илонларини ўз текширишимизда аниқлаганмиз. Ургочи капча бош илони июнь охири ва июль ойларида тинчроқ жойга 8—14 тагача тухум қўяди-да, ўзи кетиб қолади. Тухумларидан сентябрь ойи ўрталарида ёш илончалар чиқади.

Ўрта Осиёнинг кўпгина районлари, жумладан республикамизда қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиши, илонларни маҳаллий халқ томонидан кўплаб ўлдирилиши, тартибсиз овланишлар ва бошқа бир қанча сабаблар орқасида кейинги йилларда бу жониворлар жуда камайиб кетди. Ҳозирги вақтда капча илонини фақат илмий мақсадларда овлаш рухсат этилди. Капча илон СССРнинг «Қизил китоби»га киритилган.

Илоннинг касби заҳар сол.моқ, деб баъзи кишилар тўғри келган ҳар қандай илонни ўлдирадилар, ваҳоланки заҳарли илонларни асраб-авайлаб сақлашимиз керак. Ахир улардан олинадиган заҳар оғир касалликларни даволашда олтиндан ҳам қимматбаҳо дори бўлиб хизмат қилади-ку.

Т. ЕДГОРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси зоология ва паразитология институтининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



31 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

Москва цирки артистларининг гастроллари

ПРОГРАММАДА — «ЭКЗОТИК ҲАЙВОНЛАР КАРНАВАЛИ» ЙИРИК АТТРАКЦИОНИ

Бадиий раҳбар ва ҳайвон ўргатувчи—Озарбайжон ССР да хизмат кўрсатган артистка ЖАМИЛА ШИРВОНИЙ.

ҚАТНАШАДИЛАР: **ўргатилган Африка бегемотлари, Америка ламалари, шотланд пакана отлари, маймунлар, бўрилар, тулкилар, пушти ранг пеликанлар, улкан кенгурулар.**

Томошалар: соат 19.30 да; шанба куни — соат 16 ва 19.00 да; якшанба куни—соат 12.00, 15.00, 18.00 бошланади.

5 ноябрдан 10 ноябргача томошалар: соат 13, 16, 19.00 да бошланади.

Олдиндан билетлар сотиш кассалари очиқ.

Кассалар дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив заявкалар навбатдан ташқари қабул қилинади.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91 — касса; 44-35-84 — администратор.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИНИНГ МАДАНИЯТ САРОЙИ
қуйидаги тўгарак ва студияларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

телемастерлар,
безовчи-рассомлар,
альфрей-амалий санъат ишлари,
фото ҳаваскорлар,
кино ҳаваскорлар,
бичиш ва тикиш,
тўқиш,
бадиий каштачилик,
гилам тўқиш,
гулчилик,
юмшоқ ўйинчоқлар,
сартарош-модельерлар,
француз тили,
инглиз тили,
ритмик гимнастика,
брейк-данс ишқибозлари,
баянист-аккордеонистлар,
фортепъяно,
эстрада гитараси,
олти торли гитара,
тасвирий санъат студияси.

Ўқишни тугатгач гувоҳнома берилади.

Таълим — пулли.

ҲАВАСКОРЛИК СТУДИЯЛАРИ

халқ театри,
якка ашула айтиш,
рақс тўгараги,
ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли,
«Современница» аёллар клуби,
кино ҳаваскорлар клуби,
халқ медицинаси клуби.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, А. Бобожонов кўчаси, 11-«а» уй. (43, 93-автобуслар; 10, 27--трамвайларнинг «Северный Алмазар» бекати).

СССР Алоқа министрлигининг
ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ
Институтга кириш имтиҳонларига тайёргарлик бўйича
КЕЧКИ КУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар — 1 декабрдан бошланади.

Ўқиш муддати — 7 ой.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Машғулотлар — душанба, чоршанба, жума кунлари соат 19.00 дан бошлаб ўтказилади.

Бутун таълим даври учун — 75 сўм ҳақ тўланади.

Курсларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, икки дона фотосурат (3х4 см), ўқиш ёки иш жойидан справка, СССР Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиб қайтган ёшлар — ҳарбий билетларини (шахсан) кўрсатадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй 226-хона.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг
СПОРТ-ТЕХНИКА КЛУБИ
радиотелемастерлар тайёрлаш бўйича
КЕЧКИ КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 8 ой.

РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МАЛАКА ОШИРИШ ГРУППАЛАРИГА.

Ўқиш муддати — 5 ой.

МАШҒУЛОТЛАР—ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Полторацкий кўчаси, 25-уй, соат 18 дан 21.00 гача (80, 3, 2, 16, 161, 60, 81-автобуслар; 5, 9, 8, 26, 1, 2-трамвайларнинг «Полторацкий кўчаси» бекати).

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

7-8 ноябрь соат 19.00 да

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси дипломанти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ОРТИҚ ОТАЖОНОВ, ГУЛСАРА ЕҚУБОВА, ФЕРУЗА СОЛИҲОВА;

Карфагенда бўлиб ўтган VIII Жаҳон фестивалининг лауреати МАВЛУДА ОИНАҚУЛОВА;

Москвада бўлиб ўтган Жаҳон фестивали лауреати **ОТАМУРОД ҲОЖИЕВ.**

Солистлар: Гулуммат СОБИРОВ, Феруза МИРҲАМИДОВА, Муаззам ҒАФУРОВА, Гўзал Мансурхўжаева.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофотининг лауреати **РАВШАНОЙ ШАРИПОВА.**

Балетмейстер — **ТЕМУР ТИКОЕВ.**

Музика раҳбари — **РАҲМАТЖОН ҚУРБОНОВ.**

Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги
«ТАШКЕНТМРАМОР» ишлаб чиқариш бирлашмасининг
ТОШКЕНТ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ МАРМАР ЗАВОДИ
кичик ҳажмдаги мармар ёдгорликлар тайёрлаб бериш юзасидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЁДГОРЛИКЛАР Н И Н Г ҲАЖМИ БУЮРТМАЧИЛАР БИЛАН КЕЛИШИБ ОЛИНАДИ.

Ёдгорликларга ёзувлар битиб берилади, ишловдан чиқарилади ва ўрнатиб берилади.

Ҳақ прейскурантга биноан тўланади.

Буюртмалар шанба ва душанба кунлари соат 10 дан 12.00 гача қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 2-Генерал Петров переулоги. 25-уй. Телефонлар: 67-93-15, 68-36-35, 67-47-06.

Ҳ. Олимжон номидаги Киров район Маданият уйи
ЗАМОНАВИЙ БАЛ РАҚСИ — «СИНЬОРЛАР» ГРУППАЛАРИГА
30 ёшдан катта кишилар учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар — душанба ва жума кунлари соат 19.00 да бошланади.

Ўқиш пуллик.

Адрес: Тошкент шаҳри, Муртазоев кўчаси, 40-уй, (60, 67, 91, 51, 9-автобуслар; 2, 16, 22, 23, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Қозогистон» кинотеатри» бекати). Телефонлар: 35-01-56, 35-67-38.

Тошкент янги консерва комбинатига берилган йўқолган «ДИСПЕТЧЕР» ТЎРТБУРЧАКЛИ ШТАМПИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ БЕК ДАВЛАТ АКА... КАТТА ТЕАТРИДА — 27/X ... Майсаранинг ... ши, 28/X ... Корсар, 29/X да Дон Ки... ҲАМЗА НОМИДАГИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 27/X да С... қабул, 28/X да Келинлар ... ғолони, 29/X да Угрюм ... чи урди.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ БЕК ДАВЛАТ МУЗ... ТЕАТРИДА — 28/X да М... лик, 29/X да Кулги кечаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ТО... ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/X да «Вестсайд-87», 28/X да Саратондаги изғирин.

Кино

27 ОКТЯБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «САЛ... ДОР» (катта зал, 16, ... 20.30); «ҲОКИМЛАР УЙИ... чик зал, 17, 19.30).

Чайка — «АМАДЕЙ» (... 21.00); «ЗОРРО» (16.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «... ЛЯЦИЯ» (жуфт соатлар).

Искра — «СЕВГИ САРОЙ... РИ» (16, 18, 20.00).

Қозоғистон — «БА... МАРГАЙЯ» (16, 17, ... «КУРЬЕР» (19.00).

Восток — «БОББИ» (... 18.30, 21.00).

Москва — «ОВСАР» (17... 20.40).

Дружба—«ЧАНГДА КО... ГУЛ» (17, 20.00).

Ватан — «ШАКТИ» (18, ...

Тошкент Советининг 50 ... лиги — «ГРАФ МОНТЕ-КР... ТО» (18, 21.00)

К. Ерматов номли — «... ЕРДА, ҚУЛДА» (тоқ соатлар).

Лисунов номли — «... БУЗАР» (тоқ соатлар).

Нукус — «ҲАЁТ ШО... ҲАМ ҚИСҚА» (16.00)

Ўзбекистон ССР 25 йил... — «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТ... (16, 18.30, 21.00).

28 ОКТЯБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «САЛ... ДОР» (катта зал, 11, 13.30, 18.30, 20.30), «ҲОКИМЛАР УЙИ» (кичик зал, 12, 14.30, 19.30).

Чайка — «АМАДЕЙ» (16, 21.00), «ЗОРРО» (11, 13.30, 00).

Кино уйи — «ДЕНДИ ВА ФРЕД» (17, 19.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚУЛФБУЗАР» (жуфт соат... да).

Искра — «СЕВГИ САРОЙ... РИ» (12, 14, 16, 18, 20.00).

Қозоғистон — «БА... МАРГАЙЯ» (12, 13, 14, 20.00); «КУРЬЕР» (11, 15, 16...

Москва — «БОҒБОН» (1... «ОВСАР» (11, 17, 19, 2...

Дружба — «ЧАНГДА К... ГАН ГУЛ» (11, 14, 17, 20.0...

Ватан — «ШАКТИ» (12, 18, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йи... лиги — «ГРАФ МОНТЕ-КР... ТО» (12, 15,18, 21.00).

К. Ерматов номли — «... ПАБЛАНКА» (тоқ соатлар).

Лисунов номли — «... БУЗАР» (тоқ соатлар).

Нукус — «ҲАЁТ ШО... ҲАМ ҚИСҚА» (11, 13.30, 16... 13.30, 16, 18.30, 21.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУ... ТЕЛЕФОНЛАР:
Санъат саройи — 44-2... 44-21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-38.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 50 йи... лиги — 78-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — 96-3...
ВЛКСМ 30 йиллиги — 44-52.
Дружба — 67-96-87.
Кинолаштириш бошқар... 33-37-11.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
27 ОКТЯБРЬ СОАТ 15...
ДА СССР 50-бирлиги... учун «ПАХТАКОР» (Тошк... «КУЗБАСС» (Кемеро... ҚОМАНДАЛАРИ ЎР... СИДА ФУТБОЛ
Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Соғлиқ... сақлаш министрлигининг ... та медицина ходимлари... малакасини ошириш ва ... сослаштириш бўйича Рес... лика курслари қошидаги ... лар яслилари учун медиц... ҳамширалари тайёрлаш... бир йиллик курслари то... дан **Вахобова Наиба Джа... ровна** номига берилган ... номерли ўқувчи гувоҳномаси йўқолган ГУВОҲНОМА **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент политехника ин... титути коллективи I-ку... тарихи кафедрасининг ... центи В. Р. Абдуллаев... отаси

Раҳим Абдуллаевич АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муноси... ти билан чуқур таъзия ... хор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмушн ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва ҳалқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-53-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-86; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 11075.

Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим].

Б. 2496. Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.